Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

O`zLiDeP — TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2015-yil 26-fevral, payshanba, **09 (589)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru,** web sayt: **www.21asr.uz**

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ






**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 19 февраль куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 13-Қашқадарё округ сайлов комиссияси раиси И.Жўраев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлади.

Дастурда мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни изчил давом эттириш, аҳоли даромадлари ва ҳаёт сифатини муттасил ошириб боришга доир муҳим йўналишлар ўз ифодасини топган. Жумладан, иқтисодиётни модернизациялаш, янги саноат корхоналари барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенг ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини қайта кўриб чиқиш, қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, маҳаллийлаштириш дастурларини давом эттириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида барча соҳаларда юксак марраларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга замонавий индустриал мамлакатга айланди. Бутун дунёда «ўзбек модели» сифатида тан олинган тараққиёт йўли эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий омили бўлди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ижтимоий инфратузилма ривожланиб, шаҳар ва қишлоқларимиз замонавий қиёфа касб этмоқда. Одамларнинг турмуш шароитлари, кайфияти, дунёқараши, онгу тафаккури юксалмоқда. Ватанимиз тараққиётига дахлдорлик ҳисси, эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Учрашувда фахрий журналист Қ.Эгамбердиев, Шаҳрисабз туманидаги «Шухрат Бобоёров» фермер хўжалиги раҳбари Ш.Бобоёров, Қарши шаҳридаги 46-умумтаълим мактаби спорт мураббийи Ш.Аҳадов ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллик йилларида кенг кўламли, мисли кўрилмаган улкан ишлар амалга оширилганини қайд этди. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик талабларга тўла мос равишда ўтаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 20 февраль куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлаб, ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишларига эътиборни қаратди.

Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қайта кўриб чиқиш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишни давом эттириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ҳосилдорлигини ошириш, фермерлик ҳаракатини кенг ривожлантириш, маҳаллийлаштириш дастурларини янги босқичга кўтариш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни жорий этиш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, халқнинг турмуш фаровонлигини муттасил юксалтириш каби муҳим масалалар қамраб олинган. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш ва реал даромадларини ошириб бориш зарурлиги таъкидланган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириб, халқимизнинг тинч-осуда, фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий саноат корхоналари барпо этилиб, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланаётгани туфайли хусусий секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ошиб бораётир. Қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, бир-биридан кўркам, барча қулайликларга эга замонавий уй-жой массивлари барпо этилаётир. Фермерлик ҳаракати нафақат қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотини ишлаб чиқарадиган, балки қишлоқнинг келажагини, тараққиётини ўз зиммасига олган етакчи кучга айланди.

Мамлакатимизда бугунги талабга жавоб берадиган таълим, тиббиёт, спорт иншоотлари бунёд этилиб, замонавий усулда жиҳозланмоқда. Бу борада амалга оширилаётган барча ишлар юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Учрашувда меҳнат фахрийси Х.Тангриев, Қумқўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси З.Хидирова, Термиз давлат университети магистранти Н.Қурбонова, кичик сержант М.Раҳимов ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллигимизни, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни кўппартиявийлик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилаётганининг амалдаги ифодаси эканини таъкидлади. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**А.САМАДОВ, Ў.БАРОТОВ, Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

# 2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Неча минг йиллар давомида азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этиб, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган Наврўзнинг истиқлол йилларида ҳаётимиздаги ўрни ва моҳияти тобора ошиб бормоқда. Халқимиз учун табиат уйғониши, шарқона янги йилнинг бошланиши, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини юртимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш эзгу, бир сўз билан айтганда, табиий анъанага айланиб қолди.

Ушбу миллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб яшаши, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, кексаларга эъзоз ва эҳтиром, кичикларга иззат кўрсатиш, одамийлик, яхши қўшничилик, хайр-саховат, бағрикенглик ва бунёдкорлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш борасида Наврўзнинг моҳияти ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

айни Наврўз фаслида инсон ўзини табиатнинг ажралмас, узвий бир қисми сифатида ҳис этишини ифода қиладиган, атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

жойларда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва тотувлик, меҳру саховат, ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда фольклор санъатининг энг яхши намуналари, халқ ўйинларига, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган тарихий урф-одатларга, гўзал инсоний туйғуларни тараннум этадиган мумтоз куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 25 февраль

# Демократик шароит ва рақобат муҳитида

**Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг ишончли вакили сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда**

Куни кеча ана шундай учрашув Олот политехника ва сервис коллежида бўлиб ўтди. Жамоатчилик вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, талаба-ёшлар ва ОАВ ходимлари иштирок этган тадбирни 3-Бухоро округ сайлов комиссияси аъзоси Ғулом Жўраев очди.

Шундан сўнг номзоднинг ишончли вакили, O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Фармон Аминов йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди.

Дастурда мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, аҳоли даромадлари ва ҳаёт сифатини муттасил ошириб боришга оид муҳим йўналишлар ўз ифодасини топган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида урғу берилган.

Учрашувда сўзга чиққан Олот туманидаги Талқон Сайёт қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли Мурод Анваров, 14-умумтаълим мактаби директори Бешим Эгамов, коллеж талабаси Саодат Саъдуллаева ва бошқалар юртимизда истиқлол йилларида мислсиз ютуқлар қўлга киритилганлигини қайд этиб, муҳим сиёсий жараён — Президент сайловига тайёргарлик янги демократик шарт-шароитларда, партиялараро рақобат кучайган бир вазиятда ўтаётганини эътироф этдилар. Сайловга тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ тегишли тадбирлар амалдаги қонунчилик ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос тарзда ўтаётганини таъкидлаб, барчани жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 24 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1926,92 | 1 АҚШ доллари | 2460,32 | 1 Хитой юани | 393,36 | 1 Туркия лираси | 1001,27 | 10 Япония иенаси | 206,87 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3783,23 | 1 Миср фунти | 322,66 | 1 Малайзия ринггити | 676,47 | 1 Швейцария франки | 2607,93 | 1 Россия рубли | 39,86 |
| 1 Дания кронаси | 375,27 | 1 Исландия кронаси | 18,70 | 1 Польша злотийси | 673,19 | 1 ЕВРО | 2807,27 | 1 Украина гривнаси | 88,31 |
| 1 БАА дирҳами | 669,84 | 1 Канада доллари | 1959,63 | 1 СДР | 3472,37 | 10 Жанубий Корея вони | 22,18 | | |

# 29 МАРТ – САЙЛОВ КУНИ

## Муҳокамалар моҳияти

**Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий билимларини ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияси аъзолари, шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, бир қатор вазирлик ва идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирокидаги бундай тадбирларни Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида босқичма-босқич ўтказиш режалаштирилган. Мақсад сайловчиларни сайлов қонунчилиги, амалдаги сайлов тизими, фуқаролик бурчи, ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан яқиндан таништиришдир. Мулоқотда сўз олганлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган миллий сайлов тизими шаклланган, сайлов қонунчилигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилгани фуқароларда дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилаётганини эътироф этишди. Қайд этилганидек, бугун аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий фаоллиги кучайгани сайловолди учрашувлар давомида яққол намоён бўлмоқда. Улар номзодларнинг сайловолди дастурлари билан атрофлича танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ-ошкора баён этаётирлар. Семинарда фуқаролик жамияти институтларининг сайлов кампаниясидаги ўрни, бу жараённинг қонунийлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли, овоз беришни ташкил этиш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашишди.**

Фахриддин НУРАЛИЕВ.

## Фракция қуйи палата дастурини кўриб чиқди

**O`zLiDeP фракциясининг навбатдаги мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2015 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ва ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар дастури лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди**

Фракция раҳбари Содиқжон Турдиев бошқарган йиғилишда малакали эксперт ва мутахассислар ҳам иштирок этиб, мазкур дастур лойиҳаси Президентимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги, шунингдек, мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб тайёрланганлиги алоҳида таъкидланди. Ундан қуйи палатадаги партия фракциялари, экоҳаракат депутатлик гуруҳи ҳамда қўмиталарнинг таклиф ва тавсиялари ҳам ўрин олган.



Солиҳ ЗОИР олган сурат

Яқин истиқболда амалга ошириладиган ушбу дастурда 8 та асосий йўналиш белгиланган бўлиб, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар назарда тутилган. Шу билан бир қаторда, жорий йилнинг сўнгги чорагига қадар мутасадди идоралар билан ҳамкорликда давлат бошқарувининг турли бўғинлари ва фуқаролик жамияти институтларида қонун лойиҳаларининг янада самарали муҳокама қилинишини ташкил этиш мақсадида 20 дан зиёд қонун лойиҳасини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш режалаштирилган. Бу, ўз навбатида, қабул қилинаётган қонунлар ҳамда Давлат дастурларининг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали парламент назоратини ўрнатиш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

— Дастурда партиямизнинг Сайловолди платформасидаги устувор йўналишлар ҳам ўз аксини топган, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Дониёр Абдуқодиров. — Аминманки, муҳокамадаги дастурга киритилган вазифалар келгусида тадбиркор ва фермерлар манфаатлари ифодаланган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, жойларда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари муваффақиятини таъминлаш юзасидан парламент назоратини ўрнатишда муҳим омил бўлади.

Қизғин баҳс-мунозара ва ишчанлик руҳида ўтган йиғилишда фракция аъзолари O`zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, бир қатор амалий таклиф ҳамда тавсияларини баён этдилар. Хусусан, назорат-таҳлил фаолияти бўйича «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг Тошкент ва Навоий вилоятларидаги, Сурхондарё ва Андижонда эса хусусий мулкни ҳимоя қилиш, мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари бўйича қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди. Бу эса партия Сайловолди платформасида алоҳида қайд этилганидек, жойларда электорат манфаатларини ҳимоя қилишда долзарб аҳамиятга эгадир.

Кун тартибидаги масала бўйича сўзга чиққанлар Қонунчилик палатаси дастурига фракция томонидан киритилаётган мазкур таклифлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, улар устидан тизимли парламент назоратини ўрнатиш ва ҳуқуқни қўллаш борасидаги ишларнинг янада жонланишига хизмат қилишини эътироф этдилар.

Йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

## O`zLiDeP ёшлари сайловга тайёр

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида уларнинг бевосита иштирокини таъминлаш мақсадида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси жойларда туркум тадбирлар ўтказмоқда. Ана шундай давра суҳбатларининг навбатдагиси Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида уюштирилиб, унда «Ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишда сайловнинг аҳамияти» мавзусида сўз юритилди.

O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва талабалар иштирок этди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу мулоқот ёшларларга оид партиявий лойиҳаларнинг узвий давоми сифатида эътиборни тортди.

Икки авлод учрашувини кириш сўзи билан очган мазкур институт ректори Бахтиёр Сайфуллаев эътироф этганидек, ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини камол топтириш, уларга бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, сайловда биринчи марта иштирок этаётган 18 ва ундан юқори ёшдагиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш бўйича амалий ишлар тарғиботини кучайтириш O`zLiDeP дастуридан ҳам ўрин олгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Дилором Файзиева талабалар ҳузурида сўзга чиқиб, «Сайлов жараёнини либераллаштириш мамлакатда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг асоси» мавзусида маъруза қилди.

Савол-жавоб тарзидаги қизғин муҳокамалар чоғида O`zLiDePнинг ёш аъзолари бўлажак сиёсий тадбирга ҳар томонлама тайёрлигини намойиш этган ҳолда сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда миллий қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгиланганини, бу жараён демократик тамойиллар асосида адолатли, холисона, очиқ ва ошкора ўтказилиши сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши, сиёсий партияларнинг ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишини таъминлашга хизмат қилишини қайд



этдилар. Зотан, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган ташаббуслар, шубҳасиз, сайлов жараёнларини янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлди.

**Шуҳрат РАҲИМОВ.**

## Сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда журналистлар фаол қатнашаяпти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида журналистлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритишда оммавий ахборот воситалари иштирокининг долзарб масалаларига бағишланган онлайн-семинар бўлиб ўтди**

Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, экспертлар, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов шу йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеа эканини таъкидлади.

— Мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этиш яширин овоз беришга асосланган бўлиб, қолган барча жараёнлар очиқ, ошкора ва транспарентлик асосида ўтказилади, — деди М.Абдусаломов. — «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолияти, сайлов комиссиялари тузилгани, улар жойлашган манзил ва иш вақти ҳақида маълум қилади, сайловчилар, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништириб, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилади.

Тадбирда сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутиши, журналистлар эса сайлов жараёнида фаол иштирок этаётгани қайд этилди. Хусусан, сайлов комиссияларининг барча тадбирлари журналистлар иштирокида ўтказилаётгани, мавзуга оид телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар мунтазам эфирга узатилиб, сайловчиларга сайлов жараёни босқичларини тушунтирадиган роликлар намойиш этилаётгани, сайлов кампанияси босма ва интернет-нашрларда кенг ёритилаётгани таъкидланди.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти қизғин паллага кирган шу кунларда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти янада ортиб бораётганини таъкидлади. Сайлов қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилган.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнининг барча тадбирларини ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ёритишда қонунчиликка, холислик, бетарафлик ва адолатлилик принципларига қатъий риоя этиши зарурлиги қайд этилди.

Семинарда Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири Ш.Зулфиқоров, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази раҳбари Н.Нурматов, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқовнинг муҳим сиёсий воқеага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек, очиқлик ва ошкоралик принциплари, сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишга доир маърузалари тингланди.

Ўзаро мулоқот ва фикр алмашиш шаклида ўтказилган тадбирда қатнашчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Марказий сайловолди штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг ишончли вакиллари томонидан аҳоли қатламлари ўртасида ўтказиладиган учрашувлар ва тарғибот-ташвиқот ишларини юксак савияда самарали ташкил этиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.**

## Марказий сайловолди штаби йиғилиши

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев яқинлашиб келаётган муҳим сиёсий тадбирнинг долзарб аҳамияти, Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва унда муносиб иштирок этиш юзасидан O`zLiDeP фаоллари амалга ошираётган ишлар хусусида сўз юритди. Гап, биринчи навбатда, халқимизнинг эртанги куни, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида бораётганини қайд этди.

Бу жараёнда кенг жамоатчилик, айниқса, электорат орасига чуқурроқ кириб бориш, уларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан батафсил таништиришда тарғибот-ташвиқот материалларидан фойдаланиш муҳим омил бўлишига эътибор қаратилди. Ишончли вакилларга сайловолди тарғиботи учун тайёрланган қўлланмалар, электрон кўринишдаги тақдимот материалларини етказиб бериш ва улардан унумли фойдаланиш учун жойларда барча шароитлар яратишнинг муҳим аҳамияти алоҳида таъкидланди.

— Мустақил тараққиёт йилларида эришилган ютуқ ва марралар, ўзгариш ва янгиланишларни чуқур англаш учун ким эдигу ким бўлдик, деган саволга атрофлича жавоб қайтаришимиз лозим, — деди ишончли вакиллардан бири Ҳасан Нормуродов. — Бугун ана шу савол атрофида мулоҳаза юритаётганимизнинг сабаби бор, албатта. Чунки Ўзбекистон мустақилликка осонлик билан эришгани йўқ. Шуни амалий мисоллар орқали сайловчиларга етказиш сиз билан биз, яъни партия фаоллари ва ишончли вакиллар зиммасига катта масъулият юклайди.

Йиғилишда, шунингдек, O`zLiDeP ҳудудий кенгашлари ҳузурида тарғибот гуруҳларини тузиш ва уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда O`zLiDeP электорати манфаатларига мос бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда муҳокама этилди.**

## Акциядорлар ва хусусий мулк эгалари учун қўшимча кафолатлар

**Акбар МУЗАФФАРОВ,** «XXI asr»

Депутатлар ўз ишини «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этишдан бошладилар. Таъкидланганидек, акциядорлик жамиятларини намунали ташкил этиш, уларнинг низом жамғармаларини шакллантириш, жамиятлар акцияларини оммавий таклиф этиш орқали улар фаолиятини янада ривожлантириш устувор вазифалардан биридир. Зеро, бугун Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган акциядорлик компаниялари тажрибасидан фойдаланган ҳолда маҳаллий сармоядорлар қаторида хорижий акциядорларнинг ҳам акция эгалари бўладиган вақт келди.

— **Биринчи ўқишда муҳокамага киритилган қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган 2014-2015 йилларда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқ тайёрланди,** — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Нилуфар Саидаҳмедова. — Чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятларни ўртача муддатли ва узоқ муддатли даврда ривожлантириш бўйича аниқ стратегияни тасдиқлашга доир талабларга эга нормаларни қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаш, ижро этувчи орган ва кузатув кенгашининг жамиятларни ривожлантириш стратегиясига эришиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб боришни назарда тутади. Бир сўз билан айтганда, келгусида ушбу қонуннинг кучга кириши акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни самарали шакллантириш ва фаол ривожлантириш, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Фракция аъзоларининг таъкидлашича, Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам бу муҳим масалага жиддий эътибор қаратиб, акциядорлар, аввалямбор, акцияларнинг миноритар эгалари ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмаётганлиги, улар акциядорлар жамиятларига таъсир кўрсатмаётганлигини алоҳида қайд этган эди. Бунинг сабаблари сифатида эса ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, хусусан, маъмурий, жиноят, хўжалик қонунчилигида ушбу қонун ҳужжати қабул қилиниши билан бир пайтнинг ўзида унинг ижросини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари қонунчиликда кўзда тутилмаганлиги, акциядорларнинг ҳуқуқларини бузгани учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланмаганлиги ва ривожланган давлатлар қонунчилигида корпоратив бошқарув тизимида қўлланиб келинаётган суд ҳимояси, жавобгарлик ва корпоратив муносабатлар билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг миллий қонунчилик тизимида ўз аксини топмаганлиги келтириб ўтилган.

Шу боисдан «Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги амалдаги қонуннинг 45, 81 ва 116-моддаларига тегишлича жавобгарлик чоралари назарда тутилган бўлса-да, маъмурий, жиноят, хўжалик қонунчилигида ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан унинг ижросини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари акс эттирилган ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини тайёрлаб, уни депутатлар муҳокамасига киритиш режалаштирилмоқда. Демак, мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг кенг жамоатчилик ўртасида манфаатдор вазирлик ва идоралар, акциядорлик жамиятлари, O`zLiDeP электорати вакиллари билан биргаликда кенг муҳокама қилиш орқали аниқ таклиф ва тавсияларни умумлаштириш унинг ижросини таъминлашда яхши самара беради.

Депутатлар муҳокамасига навбатдаги масала сифатида бевосита O`zLiDeP электорати манфаатларига алоқадор яна бир ҳужжат «Хусусий мулк ҳуқуқлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳавола этилди. Қизғин баҳс-мунозаралар чоғида мазкур қонун лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хусусий мулк тушунчаси ва унинг нодавлат мулкдан фарқини аниқ ифодалаш, иқтисодиётнинг хусусий сектори устуворлигини ва дахлсизлигини амалда таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилаётгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, хусусий мулк тушунчаси ва уни ҳимоя қилиш Конституция, Фуқаролик кодекси, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда ўз ифодасини топган.

— **Маълумки, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши, аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланиши кўп жиҳатдан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, соҳага тўлиқ эркинлик бериш билан чамбарчас боғлиқдир,** — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов. — Зеро, бу устувор вазифа партиямиз дастуридан ҳам алоҳида ўрин олган. Шу маънода хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, мулкдорлар фаолиятига асоссиз аралашаётган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида ушбу қонун лойиҳасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига бир қатор қўшимчалар киритиш таклиф этилаётир. Яъни, бунда хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, бевосита ёки билвосита мулк ҳуқуқини чеклаш ва ундан маҳрум этишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, номақбул шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, мулкдорни ўз мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбур этишда айбдор саналган шахсларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари кўзда тутилган.

Фракция аъзоларининг фикрича, қонун ҳужжатлари юзасидан билдирилаётган бу каби амалий таклиф ва тавсиялар мамлакатимизда бизнеснинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама этилганидан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси уларни концептуал жиҳатдан маъқуллади ва биринчи ўқишда қабул қилди.

## ҒАЛАБАЛАР ДАВРИ



**Камол МУРОДОВ,**
кураш ва дзюдо бўйича халқаро мусобақалар ғолиби, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби

**Жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловида O`zLiDeP томонидан Ислом Каримов номзоди илгари сурилганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Чунки Юртбошимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ спортга берилган алоҳида эътибор туфайли Ўзбекистон жаҳондаги спорт тез ривожланаётган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, таълим масканларида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларининг йўлга қўйилгани мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбия соҳасида янги марраларни қўлга киритишнинг энг муҳим омилларидан бирига айланди.**

**Бугун юртимизнинг қай гўшасида бўлманг ҳашаматли спорт иншоотлари, уларда камол топаётган соғлом ва баркамол авлод вакилларига кўзингиз тушади. Улуғ мақсадларни ўз олдига қўйган халқнинг фарзандлари айнан шундай бўлишлари кераклигини ҳис этиб, тўлқинланиб кетаман.**

**Мен — O`zLiDeP аъзосиман. Партиямиз ташаббуси билан тадбиркор ва фермер бўлиш истагидаги ёшлар билан учрашувларда қатнашиб, инсон ўз олдига ҳамиша Ватанни улуғлашдек эзгу орзулар билан яшаши учун мунтазам спорт билан шуғулланиб, жисмонан бақувват, соғлом фикрлайдиган инсон бўлиш зарурлигини қайта-қайта такрорлайман. Юксак марраларни кўзлаганлар бор имкониятларини тўлиқ ишга солгандагина чўққиларни забт этиш мумкинлигини ука-сингилларга айтишдан чарчамайман.**

**Бундай учрашувларда кўпинча ҳаётингизда энг қувончли кун қайси, деб сўрашади. Мен эса ғурур билан Президентимиз Ислом Каримов қўлидан «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини қабул қилиб олган куним, дея жавоб қайтараман. Ҳозир юз нафардан ортиқ ёшга мураббийлик қиляпман. Эндиги катта орзуим эса шогирдларимнинг ҳам давлат раҳбари қўлидан айнан менинг кўксимни тўлдирган «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини олишларини кўришдир.**

**Шунинг учун ҳам истиқлол туфайли спортда катта муваффақиятларга эришган инсон ва партия фаоли сифатида 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида O`zLiDeP илгари сурган номзодни якдиллик билан қўллаб-қувватлайман.**

## «ҲАММА ГАП АНА ШУНДА»



Руслан САБУРОВ,
Навоий вилояти «Дўстлик байроғи» газетаси масъул котиби

**Юртимиз осмони узра Истиқлол қуёши нур тарата бошлаганига йигирма уч йилдан ошди. Мустақиллик тенгдошлари бўлган йигит-қизлар бугун юрт корига ярайдиган фарзандлар бўлиб етилди.**

**Йигирма уч йил унчалик катта муддат эмас. Аммо айнан ана шу йиллар тарих зарварақларига юртимиз ҳаётидаги буюк ўзгаришлар битди. Ҳатто ўз тупроғига ўзи эгалик қилаётганига асрлар бўлган айрим мамлакатлар аҳолиси ҳадик билан яшаётган таҳликали бир даврда кўчаларимизга чиқиб, атрофга назар солсангиз, одамлар юз-кўзларида шукроналик, хотиржамлик акс этиб турганига гувоҳ бўласиз. Бу тинчлик ва тўкинликнинг амалдаги инъикосидир.**

**Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган она диёримиз қадимдан жаннатмонанд боғлари, ерт ости ва ер усти бойликлари билан эътиборни тортиб келган. Айниқса, собиқ тузум даврида қизил империя учун Ўзбекистон «очил дастурхон»га айлантирилган эди. Лекин бу неъматлардан тўлиқ баҳраманд бўлишга юрт эгаларининг ҳадди сиғмасди. «Марказ» «Тараққиётдан орқада қолган ҳудудни ривожлантираяпмиз» деган баҳона билан темир йўллар қуриб, бу неъматларнинг катта қисмини ташиб кетган.**

**Бугунчи?**

**— Қарамоғимизда 100 бошдан ортиқ қорамол бор, — дейди қизилтепалик Ҳошим Тўраев. — Бир неча йилдан буён оилавий чорвачилик билан шуғулланамиз. Даромадимиз ҳам, буромадимиз ҳам шундан. Ҳалол меҳнат орқали тўйлар қилдик, машиналар олдик.**

**Навоийда бундай оилалар жуда кўп. Агар вилоятда бундан 10 йил муқаддам рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 4940 тани ташкил қилган бўлса, эндиликда улар сони қарийб 7 мингтага етди.**

**Айрим давлатлар фуқароларига ўз вақтида тез тиббий ёрдам кўрсатиш қудратига эга эмаслигидан аҳоли кун сайин тури кўпайиб бораётган касалликларнинг қурбонига айланмоқда. Нега шундай? Ахир уларнинг ҳам ўзига яраша ерлари, ер ости бойликлари бор-ку? Нега улардан самарали фойдаланмаётирлар? Нега йиллар давомида иқтисодиётларини тиклай ололмаяптилар?**

**Нима демоқчилигимни тушуниб турган бўлсангиз керак. Бечора халқ ҳар томонлама етук раҳбарга ёлчимаяпти. Ҳамма гап ана шунда.**

**Энди мамлакатимизда аҳоли саломатлиги борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиб кўрайлик. Биргина Навоий вилоятида хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда 2007-2009 йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш муассасаларига замонавий тиббиёт жиҳозлари келтирилиб ўрнатилди. Қиймати 1 миллиард 936 миллион сўм, 2009-2010 йилларда эса 1 миллиард 122 миллион 197 минг сўм сарфланди. Бундан ташқари, «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» ва «Саломатлик-3» лойиҳаларини амалга ошириш учун 6 миллиард 200 миллион сўм йўналтирилди. Ўтган беш йил ичида 13 та замонавий соғлиқни сақлаш муассасаси қурилиб, 5 таси реконструкция қилинди. Ҳатто энг олис ҳудудларда ҳам ҚВПлар ишлаб турибди.**

**Энди мамлакатимизда амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишларини қолган соҳалар ва ҳудудлар кесимида ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг...**

# Озод ва фаровон ҳаёт шукронаси

**Ҳақиқат қиёслашда билинади, дейдилар. Аслида ҳам шундай. Болалигим ва ёшлигим собиқ шўро тузуми даврига тўғри келган. Ҳар гал бу ҳақда ўйласам, юрагимни армонли бир туйғу ўртайди. Начора, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмас экан. Ўша кунлар ёди аччиқ тарих янглиғ ҳамон хотираларимизда яшаяпти. Ижтимоий соҳадаги адолатсизликларни қўя турайлик. Ўзбекистон ҳудуди пахта монополиясига айлантирилган, «марказ»ни бошқа ҳеч нарса қизиқтирмас, чунки иттифоқ тўқимачилик саноати учун тайёр ва арзон хом ашё керак эди, холос. Биз ҳам мактабдан келибоқ, қуруқ нонни кавшаганча далага отланардик. Гарчанд эртаю кеч тиним билмай ишласак-да, косамиз асло оқарган эмас. Даромаднинг тайини йўқ, рўзғор тебратиш жуда оғир эди**

**Носир ТОШЕВ,**
«XXI asr»




Айниқса, кетмондан бошқа бойлиги бўлмаган, ҳалол меҳнати қадр топмаган раҳматли отамнинг маҳзун қиёфаси ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Эсимда бор: биз — етти нафар ўғил-қиз дастурхон атрофида жам бўлиб ўтирганимизда у бир гапни бот-бот такрорлар эди: «Қоринларинг оч бўлса ҳам кўзларингни тўқ қилинглар. Кўзи тўқ одамдан ҳаргиз ёмонлик чиқмайди. Иншооллоҳ, бизга насиб қилмаган рўшнолик кунларига сизлар албатта етасизлар, болаларим...»

Энди ўйлаб қарасам, ўшанда отамнинг гапларига фаришталар омин, деган экан. Чиндан ҳам авлод-аждодларимиз йиллар давомида орзу қилган буюк неъмат — мустақиллик сиз билан бизга насиб этди. Бугун тенглар ичра тенгмиз. Ҳаётимиз тобора янги маъно ва мазмун касб этмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла кафолатланган. Буларнинг ҳаммаси учун Яратганга ҳар қанча шукрона келтирсак арзийди. Эндиликда бунёдкор халқимиз ўз келажагини ўз қўллари билан яратмоқда. Лоақал маҳаллий саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни модернизациялаш, турмуш маданияти ва фаровонлигини юксалтириш борасида эришилаётган залворли ютуқларни бир эсга олинг!

Ана шу улуғвор ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош меъмори, шак-шубҳасиз, муҳтарам Президентимиздир. У киши томонидан ишлаб чиқилган оқилона ички ва ташқи сиёсат дунё миқёсида эътироф этилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Халқимиз ўз йўлбошчисига ишонади ва унинг хизматларини юксак қадрлайди. Исбот керак бўлса, марҳамат: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтган VII съездида мамлакат Президентлигига O`zLiDePдан Ислом Каримов номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Аслида бу нафақат партия вакиллари, балки миллионлаб юртдошларимизнинг хоҳиш-истагидир, десак асло янглишмаймиз. Зеро, истиқлол йилларида нимагаки эришган бўлсак, барчаси ана шу фидойи инсоннинг номи билан чамбарчас боғлиқ. Давлатимиз раҳбари партия съездидаги ўз маърузасида жамиятда кўп уклади иқтисодиётни шакллантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш ва янада такомиллаштириш, аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, хусусий мулк ҳимояси ва дахлсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларга тўхталаркан, бир масалага алоҳида урғу берди:

«...халқимизнинг тарихий-маънавий ўзига хослиги, азалий қадрият ва анъаналаримиз, эл-юртимиз ҳаётида асрлар давомида шаклланиб келаётган ижтимоий адолат тамойилларининг ўзи биз қураётган янги жамиятда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслигини тақозо этади».

Юқоридаги сатрларни ўқирканман, юрагим беихтиёр «жиздиллаб», эртанги кунга бўлган ишончим янада мустаҳкамланганлигини ҳис этдим. Аслида бу жамиятимизда ижтимоий табақаланишга йўл қўйилмайди, деганидир. Биз ўрта синф вакилларининг бойлик орттиришга бўлган интилишларини тушунамиз ва қадрлаймиз. Лекин мол-дунё кетидан қувилиб, нопок йўлларга кирилдими, бу энди қонунбузарликнинг ўзгинасидир. Қонун эса қинғирликни асло кечирмайди. Ҳаёт эрмак ёки эртак эмас. Унинг ўзига хос қатъий мезонлари бор. Бас, шундай экан, берганига шукр қилиб, эл-юрт олдида ёруғ юз билан тинч ва хотиржам яшашга нима етсин!

Инсон борки, дунёга ўз ризқ-насибаси билан келади. Яшаш эса умрбод курашдан иборат. Айниқса, бугунги тезкор замон ўзибўларчилик ва лоқайдликни асло кечирмайди. Аллоҳ таоло ҳам сендан ҳаракат, мендан баракат, деб бекорга айтмаган. Бинобарин, ҳалол меҳнатнинг этагидан маҳкам тутган киши ўз мақсадларига муқаррар эришади. Қолаверса, мамлакатимизда эркин фаолият юритиш, тадбиркорлик қобилиятини тўла намоён этиш учун барча шарт-шароит ва ҳуқуқий асослар яратилган.

Келинг, юқоридаги фикрларга ишонч ҳосил қилиш учун ён-атрофимизга бир назар ташлайлик. Бугун орамизда ўз иқтидори, ақл-заковати, куч-ғайрати орқали замонавий мулкдорга айланиб, юрт ободлиги, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркор ва ишбилармонлар озми? Ана шундай фидойи инсонлар билан ҳар қанча фахрлансак, уларнинг тажрибасидан ҳар қанча ибрат олсак арзийди. Жойларда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани боис, бозорларда мол-маҳсулотлар сероб, дастурхонларимиз тўкин-сочин. Ўзбекистон дунё ҳамжамиятидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган экан, бу энг аввало, миллий давлатчиликни қарор топтириш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тўла эркинлаштириш йўлида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг самарасидир.

Мухтасар айтганда, Президентимиз маърузасида ўртага қўйилган масалалар кишини чуқур мулоҳаза юритишга ундайди. Уни ўқир эканмиз, ўзимизни қизиқтирган ҳар қандай саволга жавоб топишимиз мумкин. Ўртага ташланган фикр-хулосалар мантиқий теранлиги ва ғоят долзарблиги билан эътиборни тортади. Шундан келиб чиқиб, мақолани маърузадан олинган яна бир иқтибос билан якунлашни лозим топдик: «Такрор-такрор айтишга тўғри келади — фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришда эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйган мақсадларга эришишда улкан ва қудратли замин бўлишига ишонаман. Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан, фидойилик билан хизмат қилиш — барчамиз учун юксак шараф, олий саодатдир».

## 1235 та оилага 1235 та калит

**Сўнгги беш йилда Самарқанд вилоятида намунавий лойиҳалар асосида жами 4482 та уй қурилди. Бундан ташқари, янги массивларда 5 та умумтаълим мактаби ва 4 та маҳалла гузари, савдо мажмуалари ҳамда банк шохобчалари каби аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилди. Ички йўллар тартибга келтирилиб, газ, сув ҳамда электр таъминоти йўлга қўйилди.**

**— Жорий йилда 37 та янги массивда бунёд этиладиган 1235 та замонавий уй калитини эгаларига топширишни режалаштирганмиз, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Олим Очилов.**

**— Шу ўринда намунавий лойиҳалар бўйича янги турар-жойларни барпо этаётган қурилиш ташкилотларига солиқ тўловларида бир қатор имтиёзлар берилаётганини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, суб пудратчи қурилиш ташкилотлари бажарилган иш ҳажми бўйича ягона солиқ тўлови, уй эгалари эса ипотека кредитини тўлаб бўлгунича харид қилинган уй-жойга оид мулк солиғи тўловидан озод қилинган.**

**Муҳаббат РАВШАНОВА.**

# Кексалари ардоқланган юрт

**Муҳаббат ТОХТАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси**

2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб номланганлиги барчанинг қалбида чуқур мамнуният туйғусини уйғотганлиги шак-шубҳасиз. Бу, ўз навбатида, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак ҳурмат ва эҳтиромдан яна бир нишонадир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди.

Дарҳақиқат, кексаларга эътибор, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда, десак асло хато қилмаймиз. Айни пайтда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган хайрли ишлар натижасида истиқлол йилларида юртимизда ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга узайгани, бошқача айтганда, ўртача умргузаронлик 6-8 йилга ошганлиги ғоят қувонарли ҳолдир. Бу шунчаки рақамлар эмас, балки улар замирида инсон омилига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлик ётибди.

Ёш авлод турмуш синовларида тобланган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган отахону онахонлар кўмаги ва маслаҳатига ҳамиша муҳтож. Бинобарин, эл-юртга содиқ, фидойи инсон бўлиб улғайишни истаган ҳар бир ўғил-қиз учун кексаларнинг ҳаётий тажрибаси бебаҳо мактаб ҳисобланади. Шу маънода сафимизда уларнинг борлиги улуғ неъматдир.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури барча қатори биз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Зеро жамият тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган отахон ва онахонларга юксак эҳтиром кўрсатиш, саломатликларини тиклаш, ҳаётий сабоқларини оммалаштириш, маданий-маиший шароитларини яхшилаш учун барчамиз бирдек бурчдормиз.

Дастурнинг ҳуқуқий ижросини таъминлаш, жойларда назорат-таҳлил тадбирларини амалга ошириш эндиги асосий масалалардан биридир. Парламент ва унинг O`zLiDePдан сайланган аъзолари ушбу йўналишда ҳам фаоллик кўрсатиб, эл-юрт ишончини оқлайдилар ва ўртага қўйилган вазифаларни амалга ошириш йўлида сидқидилдан хизмат қиладилар, деган умиддамиз.

**Мавлуда ХОДЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги**
**O`zLiDeP фракцияси аъзоси**

Катталарга ҳурмат эса халқимизнинг асрлар давомида шаклланган азалий қадриятларидан биридир. Мустақиллик шарофати билан бу қутлуғ анъана тобора теран маъно касб этмоқда. Юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, иқтисодиётни диверсификациялаш билан боғлиқ фаол инвестиция сиёсати, инсон омилига қаратилаётган юксак эътибор янги маънавий тушунчаларнинг шаклланишига замин яратаяпти. Буни кундалик ҳаётда кўриб, қалбан ҳис этиб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами муносабати билан ўтказилган тадбирда Юртбошимиз ташаббуси билан 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилингани эса қадриятларимизга давлат даражасида эътибор берилаётганининг яна бир тасдиғидир. Шу асосда кенг кўламли чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган Давлат дастури миқёси жиҳатидан ғоят кўп қирралидир. Жумладан, унда кексаларга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш билан боғлиқ масалаларга кенг ўрин ажратилган. Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг ҳуқуқий ижросини таъминлаш, ушбу йўналишда назорат-таҳлил тадбирларини амалга ошириш олдимизда турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси шундан келиб чиқиб, қонунчилик тарғиботи ва ислоҳотлар мазмун-моҳиятини омма онгига етказиш билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратмоқда.

Фахрийлар, ёши улуғ инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш, ёшларни кекса авлод вакилларига нисбатан юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш — буларнинг ҳаммаси миллий менталитетимизга хос бўлган хусусиятлардир. Зеро кексалари ардоқланган юртни инсоф, диёнат, ҳалоллик асло тарк этмайди. Дастур ижросини таъминлашда давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар ва идоралар, барча даражадаги мутасаддилар тўла масъулдирлар.

# Қишлоқ хўжалиги амалиёти — бўлажак фермерлар муваффақияти

**Нукус Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежида O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Унда O`zLiDeP Нукус шаҳар кенгаши раиси ўринбосари З.Баекеев мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланаётгани, қишлоқ хўжалигида кенг кўламли ўзгаришлар олиб борилаётганлиги хусусида талабаларга батафсил маълумот берди.**

— Бугун фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилган. Ушбу йўналишдаги кўп тармоқли субъектлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва аҳолига хизмат кўрсатишда ҳам жонбозлик қилмоқда, — дейди Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази Қорақалпоғистон Республикаси бўлими вакили Б.Айбергенов.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши таъкидлангани бежиз эмас.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Ўтган даврда бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Давра суҳбати якунида қишлоқ хўжалик амалиёти бўлажак фермерлар муваффақиятининг дастлабки омилларидан бири бўлади, дея хулоса қилинди.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.**

# Танқидга таъбингиз қалай?

**Ўтган йилнинг 21 декабрида очиқлик ва ошкоралик шароитида ўтказилган сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига янги сайланган депутатлар ўз фаолиятини бошлаб юборганига бир ойдан ошди**

**Маҳмуд ИНОЯТОВ,**
O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими




Маълумки, ушбу сиёсий жараён натижаларига кўра, парламент қуйи палатасидаги 135 та депутатлик ўрнининг 52 таси (38,5 фоиз), вилоят кенгашларидаги 806 та ўриннинг 307 таси (38 фоиз), шунингдек, туман ва шаҳар кенгашларидаги 5181 та ўриннинг 1806 таси (35 фоиз) Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар томонидан эгалланди. Бошқача айтганда, O`zLiDeP барча бўғинларда нисбатан яхши кўрсаткичларга эришди. Бу эса сайловчилар томонидан партиянинг либерал-демократик ғоялари ва дастурий мақсадлари ҳаётийлиги эътироф этилганидан, ўтган давр мобайнида амалга оширилган кенг кўламли фаолияти муносиб баҳоланганидан далолатдир.

Бироқ сайлов натижаларини чуқурроқ таҳлил қилар эканмиз, баъзи вилоят ва туман (шаҳар) кенгашлари фаолиятида сезиларли ўсиш кузатилган бўлса-да, айрим ҳудудий кенгашларда сусткашликка йўл қўйилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлиги учун бўлиб ўтган сайловда Навоий, Наманган, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида кутилган натижаларга эришилмади. Сирдарё ва Тошкент вилоят кенгашлари эса бу борада, аксинча, ўтган сайловлардан фарқли равишда юқори натижаларни қўлга киритди. Айтайлик, Сирдарё вилоятида ташкил этилган тўртта сайлов округининг учтасида O`zLiDePдан кўрсатилган номзодлар ғалаба қозонди.

Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига бўлиб ўтган сайлов ҳақида гап кетганида, бу борада либераллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юқори натижага эришиш баробарида 2009 йилги сайловда O`zLiDePга нисбатан кўпроқ овоз олган ХДПдан етакчиликни олиб қўйганини алоҳида таъкидлаш лозим. Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун бу йилги чақириқда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларида партиямиз ХДПга нисбатан 93 та, туман ва шаҳар кенгашларида эса 187 та кўп депутатлик ўрнини қўлга киритганини айтиб ўтиш мумкин.

Ушбу ютуқларга маҳаллий кенгашларнинг ташкилий-тарғибот ишларини тўғри ташкил этиш, партиянинг юқори органлари томонидан қўйилаётган вазифаларни ўз вақтида амалга оширишга масъулият билан ёндашиш каби саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ эришилган, десак адашмаймиз.

Эътиборлиси, кейинги вақтда ҳар бир йўналишда юқори натижаларни қайд этиб келаётган O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши мазкур сайловда 13 та туман (шаҳар) кенгашининг 12 тасида бошқа сиёсий партияларга нисбатан илғорликни намойиш қилди.

Бундан ташқари, бу борада Самарқанд вилоятида (16 та туман ва шаҳар кенгашларининг 13 тасида O`zLiDeP номзодлари ғалаба қозонган), Қорақалпоғистон Республикасида (15 тадан 9 тасида), шунингдек, Тошкент (18 тадан 9 тасида), Хоразм (11 тадан 7 тадан), Фарғона (19 тадан 11 тасида), Жиззах (13 танинг 7 тасида) ва Сурхондарё (14 тадан 7 тасида) вилоятларида муваффақиятга эришилди.

Аммо Андижон ва Қашқадарё вилоятларида маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловда сайловчилар умумий ҳисобда бошқа партияларга кўпроқ овоз беришган. Мисол учун, Андижон вилоятининг Булоқбоши туман кенгашида O`zLiDeP вакиллари бор-йўғи иккита ўрин эгаллаган бўлсалар, Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида уч нафар номзод маҳаллий кенгаш депутати этиб сайланган. Андижон, Олтинкўл, Хўжаобод, Асака, Навбаҳор, Деҳқонобод туман кенгашлари депутатлиги учун ўтказилган сайловда либераллар тўрттадан ўрин эгаллашган, холос.

Аслида бу мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши билан изоҳланади. Лекин ҳудудий кенгашлар мутасаддилари мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланганларида, яъни халқ орасига чуқурроқ кириб бориб, номзодларни танлашда хатоликка йўл қўймаганида, сайловолди тарғибот-ташвиқотини етарли даражада олиб борганида юқорида қайд этилган ҳолатларнинг олди олинарди. Бинобарин, иқтисодиётимизни юксалтираётган, давлат бюджетининг асосий қисмини тўлдираётган, бир сўз билан айтганда, ислоҳотларнинг етакчи кучига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар, фермерлар ва ташаббускор инсонлар номидан сайловларда иштирок этган партия учун бундай кўрсаткичлар етарли эмас.

Умуман олганда, ўтган сайловлар партиямиз учун ўзига хос синов бўлиши баробарида яна бир бор ўзимизнинг кучли ва заиф томонларимизни танқидий таҳлил қилиб, ундан тегишли хулоса чиқариб олиш имконини яратди. Нима бўлганда ҳам сайлов якунига етди. Партиямиз эса либерал-демократик ғояларни ҳаётга татбиқ этишнинг янги босқичига қадам қўйди. Энди O`zLiDeP учун овоз берган сайловчилар ишончини оқлаш, партия олдида турган вазифаларни самарали ҳал қилиш учун барча шарт-шароитларни яратишимиз зарур.

Ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида партия ва унинг парламентдаги фракцияси ташаббускорлиги, роли, таъсири ва жавобгарлигини ошириш, партиялараро ғоявий кураш рақобатини ривожлантириш нуқтаи назаридан O`zLiDeP фаолиятини такомиллаштиришда комплекс дастурларни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу дастурлар янги босқичда партиянинг самарали фаолият юритиши орқали навбатдаги марралар сари йўналтириши керак.

Бугун сайловлардаги иштирокимизни сарҳисоб қилиб, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган устувор вазифаларни белгилар эканмиз, ҳар қандай ҳолатда ҳам сайлов олдидан электоратга берилган ваъдалар ҳамда O`zLiDeP Сайловолди платформасида белгилаб қўйилган устувор вазифаларни бажаришга шошилишимиз лозим. Шу билан бирга, ҳар бир депутат, партиямизнинг ҳар бир фаоли муҳим йўналишлар ижроси учун масъул эканини ёддан чиқармаслигимиз даркор.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, O`zLiDeP аҳолининг энг фаол қатлами — мулкдорлар ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда кураш олиб бориш мақсадида мамлакат сиёсий майдонига чиқиб, ислоҳотларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган экан, бу партиядан мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги ишларини янада жонлантиришни тақозо этади.

# Янада фаол, янада самарали

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Соғлом оила — соғлом бола» миллий модели: аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлашда хусусий тиббиёт, замонавий технологиялар ва кадрлар салоҳияти» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

**Дилноза НОМОЗОВА,**
«XXI asr»

Тадбирда «Соғлом бола йили»да амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, соғлом миллат генофондини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оилавий бизнес, касаначиликни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

— Ўтган йили аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди, — деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг тегишли бўлимлари ташаббуси билан ҳудудларда 3670 та партиявий тадбир ўтказилди. Режалаштирилган иккита махсус лойиҳада 250 минг нафар хотин-қизнинг иштироки таъминланди. Хусусан, «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида 285 та тадбир ўтказилди. 21 минг нафарга яқин опа-синглимиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Жорий йилда ҳам ушбу лойиҳани давом эттириб, аёлларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, зарарли иллатлар тарқалишининг олдини олиш, ибратли тажрибаларни ёшлар ўртасида оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Семинарда эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар, хусусан, эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, ҳомиладор аёлларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтмаслиги оқибатида юзага келаётган, она ва бола саломатлигига таъсир кўрсатувчи салбий оқибатларнинг олдини олиш каби масалалар ҳам атрофлича таҳлил этилди.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларини янада такомиллаштириш, бу борада ижтимоий шерикчилик тамойилларидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланиб, ННТ билан янада яқин ҳамкорликда ишлаш, қонунчилик амалиётидаги янгилик ва ўзгаришларни хотин-қизларга етказишга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоларини жалб этиш, ўтаётган йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг тўлиқ бажарилиши юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

— Юртимизда тадбиркор аёлларга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис сафларимиз йилдан-йилга кенгайиб бораяпти, — деди янгийўллик партия фаоли, тадбиркор Раъно Бобоева. — Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, 2012 йилда «Неъматжон олмалари» фермер хўжалигини ташкил этдим. Қишлоқда тикувчилик цехи очиб, қизларга касб-ҳунар ҳам ўргатаяпмиз. Навбатдаги режам — чорвачиликни йўлга қўйиб, аҳолини сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшиш. Шунингдек, халқ депутатлари туман кенгашининг депутати сифатида сайловчилар билан яқин мулоқотда бўлиб, билдирилган ишончни оқлашни ҳам ўз бурчим деб биламан. Апрель ойида партиямиз ташаббуси билан аёллар ва болалар ўртасида бепул тиббий кўрик ташкил этишни режалаштирганмиз. Навбаҳор қишлоғидаги 40 нафар тадбиркор дугонам билан Наврўз айёмида онахонларимиз учун байрам тадбири ўтказиш ниятидамиз.

Семинар иштирокчилари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб, янги йилда янгичасига — янада фаол, янада самарали ишлаш ҳақида келишиб олдилар.

# Биргаликда биз кучмиз

**Халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари мавжуд масалаларни биргаликда ечишга келишиб олдилар**

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

Партия шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Ғолиб Назаровнинг таъкидлашича, 2014 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловга O`zLiDeP вакилларининг пухта тайёргарлик кўргани натижасида шаҳардаги 30 та сайлов округининг 16 тасида либераллар томонидан кўрсатилган номзодлар энг кўп овоз тўплашга эришдилар.

— Ана шу юксак ишончни оқлаш биз учун катта шарафдир, — дейди янги сайланган депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Мирзаев. — Одатда ҳар бир депутат ўз сайлов округидаги муаммоларни ўзи ҳал қилишга ҳаракат қилади. Аммо халқимизда ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деган ибратли мақол бор. Шу сабаб гуруҳимизнинг дастлабки йиғилишидаёқ мавжуд масалаларни биргаликда ҳал қилиш, бунинг учун аввал камчиликларни аниқлаб, ҳар ҳафтада аҳоли билан учрашувлар ташкил этишга қарор қилдик.

**— ПЕШОНАСИ ЯРҚИРАГАН ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРДАН БИРИ — МЕНМАН, — ДЕЙДИ O`ZLIDEP ФАОЛИ ГУЛЧЕҲРА СУЛТОНОВА. — МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛАРГА ШУ ДАРАЖАДА КЎП ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛАЯПТИКИ, БУНДАН БАЪЗАН ЎЗИМИЗ ҲАМ ЛОЛ ҚОЛАЯПМИЗ. БУГУН ИШИМИЗГА БИРОР НАРСА ХАЛАҚИТ БЕРДИМИ, КЎП ЎТМАЙ ЎША МУАММО ҲУКУМАТ ДАРАЖАСИДА ҲАЛ ҚИЛИБ БЕРИЛАЯПТИ. БИЗ ҲАМ ШУНГА ЯРАША ЖАВОБ ҚАЙТАРИШГА ИНТИЛАЯПМИЗ.**

Хусусан, шаҳарнинг 6,5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган «Истиқлол» маҳалласини олайлик. Унинг ҳудуди темир йўл вокзали атрофидаги канализация тармоғи таъмирталаб бўлиб қолган, электр энергиясида узилишлар содир бўлиб турадиган эски турар-жойлар, шунингдек, ҳали коммуникация тизимига уланмаган, янгидан бунёд этилган «Гулистон-3» массивидаги уй-жойларни ҳам қамраб олади. Сервис ва хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа объектлари камлиги боис бу ерда бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ муаммо йиғилиб қолган. Депутатлик гуруҳи аъзоси Амриддин Азимовнинг таклифига кўра ўтган ҳафтада гуруҳ аъзолари мазкур маҳаллага бориб, сайловчилар билан очиқ-ошкора суҳбат қурдилар.

Эътирофли жиҳати шундаки, сайловчилар билан бўлиб ўтган мулоқотдан сўнг шу ернинг ўзида ташкил этилган депутатлик гуруҳи йиғилишида муаммоларни бартараф қилишнинг аниқ режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, депутатлик гуруҳи номидан ёғингарчиликлар туфайли таъмирталаб ҳолга келган кўчаларни тартибга келтириш бўйича Навоий кон-металлургия комбинати уй-жой коммунал хўжалик бошқармасига, канализация тармоғини тозалаш бўйича шаҳар ободонлаштириш бошқармасига сўровнома юбориш ҳамда маҳалла ҳудудида мавжуд ва айни дамда бўш ётган бинони таъмирлаб, болалар боғчаси очиш хусусидаги масалаларни чуқур ўрганиш ва халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессияси кун тартибига киритишга тайёрлаш юзасидан қарор қабул қилинди.

Умид қиламизки, навоийлик депутатларнинг жойлардаги мавжуд муаммоларни биргалашиб ҳал қилишга қаратилган хайрли ишлари ўзининг ижобий самарасини беради.

# Ташаббус сўнмасин

**Халқ депутатлари Бухоро туман кенгашидаги 17 нафар депутатдан иборат O`zLiDeP гуруҳи томонидан долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишлар мунтазам ўтказиб келинаётгани, зарур ҳолларда уларнинг сессиялар ва фаоллар йиғилишлари кун таркибига киритилаётгани яхши самара бераяпти**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Ўлмас Раҳматов раҳбарлик қилаётган депутатлик гуруҳи тадбирларида амалдаги қонунларнинг ҳудуддаги ижроси, турли даражадаги масалалар юзасидан сўровлар амалга оширилиши, O`zLiDePдан сайланган маҳаллий кенгаш депутатларининг фуқароларни қабул қилиш ва улар мурожаатлари билан ишлашга доир масалалар атрофлича муҳокама қилинмоқда. Бундан ташқари, йил бошида тасдиқланган иш режасида жойларда сайловчилар билан партия тузилмалари алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида партиядан кўрсатилган ҳар бир депутатнинг фаолиятини кузатиб бориш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш каби йўналишлар ўрин олганини таъкидлаш лозим.

Аҳоли мурожаатларининг ўз вақтида ва ижобий ҳал этилиши кўп жиҳатдан сайловчиларнинг ишончини қозонган депутатларнинг изчил иш олиб боришига боғлиқ. Айтайлик, туман ҳокимлиги ва «Қавола Маҳмуд» ҚФЙда ўтказилган қабул давомида депутатлик гуруҳи 400 дан ортиқ мурожаатни кўриб чиққанига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, мурожаатлар юзасидан амалга оширилган депутатлик сўровлари натижасида аксарият масалалар ижобий ҳал этилиши туфайли ҳақли эътирозларга ўрин қолмади.

Ҳудуд миқёсида ўтказиб келинаётган турли давра суҳбатлари, қатор партиявий тадбирлар ҳамиша турли касбдаги кишиларнинг фаоллиги остида ўтади. Жумладан, яқинда тумандаги «Работи Қалмоқ» ҚФЙда «Соғлом бола йили» ҳудудий дастури ижроси юзасидан ўтказилган, шунингдек, «Гала Ривер» қўшма корхонасида «Партиянинг устувор вазифаларида БПТларнинг ўрни ва роли» мавзусига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатлари, бундан ташқари, корхона ва ўқув муассасаларида «O`zLiDeP бошланғич ташкилотларининг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш» мавзусида ташкил этилган тадбирлар кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Ўлмас Раҳматовнинг ўз ишига куюнчаклик билан ёндашиши унинг фермерларни қўллаб-қувватлаётганида ҳам аниқ кўзга ташланади. Масалан, 2014 йилда 12 кишидан иборат пешқадам фермер хўжаликлари вакилларининг водий вилоятларига сафари депутат ташаббуси билан амалга оширилди. Фермерларимиз фарғоналик, андижонлик ва наманганлик ҳамкасблари билан тажриба алмашиб, ўз хўжаликларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва пировардида янги иш ўринлари яратиш бўйича режаларини янада мукаммаллаштирдилар.

Халқ депутатлари Бухоро туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан ижро органлари эътиборини қаратган ҳолда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳам борлигини айтиб ўтиш даркор. Хусусан, тумандаги «Сўфиқорган» ҚФЙ аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи ана шундай долзарб вазифалардан бири. Бу муҳим масаланинг ҳам яқин вақт ичида жонкуяр ва ташаббускор депутатлар саъй-ҳаракати билан ижобий ҳал этилишига шубҳа йўқ.

# Фақат қизларга қарийб етти миллиард

**Андижон давлат университетида «Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда O`zLiDePнинг роли» мавзуида семинар ўтказилди**

**Ўз мухбиримиз**

— Андижондаги 12 минг нафардан зиёд партия аъзосининг 5 мингдан зиёдини аёллар ташкил этади, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Хуршида Халилова. — Муҳими, тадбиркорлик билан шуғулланувчи опа-сингилларимиз сони тобора ортиб бораётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида 228 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда ҳам уларни фаол турмуш тарзига даъват этиб, сафларимизга кўплаб тадбиркор, фермер опа-сингилларимизни жалб этишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ этиш ва модернизациялашда кичик бизнеснинг ўрни беқиёс. Шуни ҳисобга олган ҳолда юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларииданоқ соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

— Оилавий бизнесни ривожлантириш, аёлларимизнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда банклар томонидан ҳам бир қатор имтиёзли кредитлар жорий этилган, — дейди Марказий банк Андижон вилоят бош бошқармаси бошлиғи Иброҳим Митиллаев. — Ўтган йили 2246 нафар тадбиркор аёлга 90 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Бунинг натижасида 3353 та янги иш ўрни яратилди. Коллеж битирувчилари учун 18 млрд. 190 млн. сўм, хусусан, 1807 нафар қизга 6 млрд. 672 млн. сўмлик имтиёзли кредит берилди.

Семинар якунида энг фаол талаба қизлар партия аъзолигига қабул қилинди.

**«XXI ASR»** 09 (589)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# Кеча беш, бугун ўн беш

**Термиз шаҳридаги «Тадбиркорлар маркази» МЧЖда фаолият юритаётган O`zLiDeP бошланғич ташкилоти 100 дан ортиқ аъзони бирлаштирган. Таянч тузилма партиянинг дастурий ғояларини кенг тарғиб қилиш баробарида тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётир**

**Муҳриддин НУРМАНОВ,**
«XXI asr»



Замонавий, муҳташам бинода Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси, суғурта компаниялари, тижорат банклари ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар фаолият юритаяпти. Хусусий сектор вакиллари риэлторлик ва кимошди савдоси, баҳолаш билан шуғулланувчи ташкилотлар хизматларидан фойдаланаяптилар. Демоқчимизки, бу ерда ишбилармонларга хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар жойлашгани қуйи бўғиннинг самарали иш юритиши учун айни муддаодир.

Масалан, БПТ Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатган. Бошқарманинг партияга аъзо ходимлари ташаббуси билан давра суҳбати, учрашув, семинар ва бошқа оммавий тадбирлар изчил ўтказилаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларини рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

— «Қарс икки қўлдан чиқади», дея бежиз айтилмаган, — дейди бошқарма ходими, O`zLiDeP фаоли Соатмурод Қурбонов. — Ўзаро фикр алмашинувлар тарзида ўтувчи тадбирларимизга маҳаллий кенгаш депутатлари, тадбиркор ва фермерлар ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларни жалб этиб, муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўлларини излаяпмиз. Фуқароларга замонавий корхоналар барпо этиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини йўлга қўйиш учун тижорат банкларидан кредит олишларига ҳам ваколатларимиз доирасида кўмаклашаяпмиз.

Ўтган йили ҳудудий бошқарма мутахассислари янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини электрон усулда давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига таклифлар тақдим этишди. Шунингдек, тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, мулк эгаларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли ташкилотларга бир қанча таклифлар йўлладилар. Уларнинг айримлари амалиётга татбиқ этилиб, яхши самара келтирмоқда.

**«ПАРТИЯНИНГ ФИКРИЧА, МУЛК — БУ ЭРКИНЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ, ИНСОННИНГ БОШҚА БАРЧА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МАНБАИ, ФУҚАРОЛАР ҲИМОЯЛАНГАНЛИГИНИНГ АСОСИ. ЛИБЕРАЛ, АДОЛАТЛИ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЕВОСИТА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ БИЛАН БОҒЛИҚ. СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ, МАДАНИЙ ЭРКИНЛИК ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИКСИЗ МАВЖУД БЎЛА ОЛМАЙДИ. ...ПАРТИЯНИНГ УШБУ СОҲАДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАСИ — ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК ЕТАКЧИ ЎРИН ТУТГАН МАМЛАКАТНИНГ КЎП ҚИРРАЛИ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА».**

O`zLiDeP Дастуридан.

— Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган туб ислоҳотлар юртимиз тинчлиги, турмушимиз фаровонлигига хизмат қилаётир, — дейди «Альфа инвест» суғурта компанияси вилоят филиали раҳбари, бошланғич ташкилот етакчиси Пўлат Исмоилов. — Чунончи, мамлакатимизда хусусий секторнинг тобора юксалиб бораётгани яратилган қулай ишбилармонлик муҳити маҳсулидир. Айтайлик, бундан ўн-ўн беш йил аввал воҳада бир неча суғурта ташкилоти хизмат кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 15 тага етди. Шунга монанд равишда суғурта турлари ҳам кўпайди. Хизматларимиздан хусусий сектор вакиллари кенг фойдаланаётгани қувонарлидир. Биз ишбилармонлар дуч келаётган муаммоларни ҳам таҳлил қилиб, партия юқори органлари, депутатлар билан ҳамкорликда ҳал қилишга ҳаракат қилаяпмиз.

«Капиталбанк», «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ ҳамда Товар- хом ашё биржасининг вилоят филиалларидаги меҳнат фаолиятини партиявий ишларга ҳамоҳанг олиб бораётган сиёсий етук, ташаббускор мутахассислар ҳам электорат манфаатлари ифодаланишида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

— Мазкур бошланғич бўғин ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича талай таклиф ва тавсиялари билан партиямиз нуфузини янада оширишга ҳисса қўшаётир, — дейди O`zLiDeP Термиз шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гулноза Бобоқулова. — Якунланган йилда қуйи ташкилот аъзолари парламент қуйи палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловда партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилишда бизга яқиндан кўмаклашди. Бу борада етарли кўникма ва тажрибага эга фаоллар айни кунларда яна бир муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юксак даражада ўтказишга ҳам масъулият билан ёндашаяптилар. Сайловчиларни мамлакатимиз порлоқ келажаги ва тадбиркорлик тараққиёти, халқимизнинг тинч, бекаму кўст ҳаёти учун овоз беришга даъват этиб, кенг қамровли тарғибот ишларини олиб бораётирлар.

# Фаолликка ундаётган масъулият

**«Бешкент пахта тозалаш» АЖ бошланғич партия ташкилотида Президентимизнинг O`zLiDeP VII съездидаги дастурий аҳамиятга молик маърузасини ўрганиш ҳамда мазмун-моҳиятини партия электорати, аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди**

**Сайфулла ИКРОМОВ ,**
«XXI asr»



Унда БПТ раиси Азизжон Наматиллаев, O`zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Тоҳир Қурбонов, партия фаоли Нурбек Мўминов, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Баҳриддин Астанов сўзга чиқиб, мазкур маърузадаги устувор вазифалар барчамиз учун дастуриламал эканлигини уқтирдилар.

— Юртбошимиз ўз чиқишида мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор вазифа — бу хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик беришдан иборат эканини алоҳида қайд этдилар, — деди қуйи бўғин фаолларидан бири Б. Астанов. — Ушбу сўзлар корхонамиздаги 45 нафар партия аъзоси зиммасига катта масъулият юклайди.

Қуйи ташкилот етакчисининг айтишича, ўтган йили фаолларнинг кўмаги билан туманда тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш борасида бир қатор амалий ишлар қилинди. Чунончи, 15 нафар коллеж битирувчиси касаначилик орқали иш билан таъминланди.

Йиғилиш якунида маърузада таъкидланган устувор йўналишларни чуқур ўрганиш, туман аҳолиси ўртасида кенг тарғиб қилиш юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди. Улар умумлаштирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Энг муносиблар — кузатувчиликка

**Урганч туманида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов арафасида партия бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган ўқув-семинарлар ўтказилди.**

**— Машғулотларда таҳлилларга кенг ўрин ажратилди, — дейди қатнашчилардан бири, «Хоразм гиламлари» МЧЖдаги БПТ раиси Муборак Якубова. — Шунингдек, қуйи бўғинлар аъзолари орасидан сайловда кузатувчи сифатида иштирок этадиганларни танлаб олиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш тўғрисида атрофлича сўз юритилди. БПТлар аҳолининг барча қатламлари орасида бевосита иш олиб бориш имкониятига эга экани таъкидланиб, ундан унумли фойдаланиш бўйича йўл-йўриқлар берилди. Айрим таянч тузилмалар фаолиятини тубдан яхшилаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш юзасидан фикр алмашилди. Шуниng баробарида ёшларни партиявий ишларга янада кўпроқ жалб этиш масалалари ҳам муҳокама этилди.**

Беҳзод ИСРОИЛОВ.

## Ҳаётий масалалар БПТ эътиборида



**Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунида қайд этилганидек, партия муштарак мақсад ва қарашларга эга инсонларнинг ихтиёрий уюшмасидир. Мазкур тушунчадан келиб чиқиб, Республика аҳоли репродуктив-саломатлик маркази Самарқанд филиалида янги бошланғич ташкилот тузилди. БПТ атрофида либерал-демократик ғоялар моҳиятини яхши англайдиган ва уларнинг чинакам тарафдори бўлган одамлар жипслашдилар. Филиал директори, туман кенгаши депутати Умида Бобораҳимова 10 аъзодан иборат мазкур қуйи бўғин раиси этиб сайланди.**

**Фаоллар зиммаларидаги вазифаларга ғайрат-иштиёқ билан киришдилар. Яқинда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юрти талабалари ўртасида репродуктив саломатлик, эрта турмуш қуриш ва қариндошлараро никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида сўз юритилган туркум тадбирлар ўтказилди. Бундай ташвиқот эса партиямиз ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларга ҳамоҳангдир. Умуман, таянч тузилма режасига киритилган ишларнинг долзарблиги, ҳаётийлиги эътиборга моликдир. Чунончи, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга аҳд қилганларга кўмаклашиш, «Истиқлол», «Аэропорт», «Афросиёб» маҳалларида яшовчи аёллар учун тиббий кўриклар ташкил қилишга ёрдамлашиш таянч тузилманинг навбатдаги вазифалари этиб белгиланган.**

Муҳаббат РАВШАНОВА.

# Таянч тузилманинг ибратли ишлари

**O`zLiDeP Бухоро туман кенгаши таркибига кирувчи аксарият БПТларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини ёшлар кенг эътироф этаётир. Масалан, «Ойбек» МФЙ ҳудудида ташкил қилинган, туман кенгаши депутати Манзура Кучимова етакчилигидаги қуйи бўғин партия дастурига уйғун иш тутиб, навқирон авлодни қўллаб-қувватлашни фаолиятининг устувор йўналиши этиб белгилаган**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»



Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган йигит-қизларга банклардан имтиёзли кредитлар берилишига кўмаклашиш таянч тузилманинг доимий диққат марказида. Касб-ҳунар коллежларининг савдо-сотиқ, балиқчилик, паррандачилик, деҳқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган битирувчилари — Ш.Ниёзова, Ж.Шавкатов, В.Тилабов, Ф.Жумаева ва бошқаларга «Қишлоққурилишбанк» ва «Агробанк»нинг туман филиалларидан жами 130 млн. сўмдан зиёд сармоя ажратилишига кўмаклашилди.

Мазкур йўналишда Когон туманидаги таянч тузилмалар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам ибратлидир. Айтайлик, 19 аъзони бирлаштирган «Когон» ҚФЙдаги БПТ ҳам банклар билан алоқаларни яхши йўлга қўя олган. Когон қишлоқ хўжалик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бир гуруҳига молия муассасаларидан имтиёзли кредитлар ажратилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун қулай имконият яратилишига бошланғич ташкилот фаоллари муайян ҳисса қўшдилар.

## Амалий ишлар партияси

**Боёвут туман тиббиёт бирлашмасидаги БПТ аъзолари кейинги бир йил мобайнида яна 22 нафарга ортиб, жами 82 кишига етди. Бу ўз-ўзидан амалга ошгани йўқ. Хусусан, аҳоли мурожаатлари билан тизимли равишда иш олиб борилиши жойларда O`zLiDeP тарафдорлари, хайрихоҳлари кўпайишига хизмат қилаётир. Масалан, тумандаги Беруний кўчасининг янгитдан асфальт қилиниши мазкур қуйи бўғин билан маҳаллий кенгаш депутати Саодат Қорабоеванинг яқин ҳамкорлиги самарасидир. Яқинда фаоллар «Соҳил» МФЙ ҳудудидаги кўп қаватли уйлар атрофида сув тўпланиши ҳамда 3-мактабгача тарбия муассасасида ичимлик суви йўқлиги тўғрисидаги мурожаатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, тегишли ҳужжатларни партия туман кенгашига тақдим этдилар. Ўз навбатида С.Қорабоева маҳаллий ҳокимлик ва бошқа мутасадди идораларга депутатлик сўрови билан чиқди.**

**— Одамларнинг мушкули осон бўлишига кўмаклашиш асосий мақсадимиздир, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси Моҳира Отабоева. —O`zLiDePнинг амалий ишлар партияси эканлигини намоён этиш доимо алоҳида аҳамият касб этади.**

Дилора ЭСОНОВА.



Биз — XXI асрда яшаяпмиз!
Биз — XXI асрда ишлаяпмиз!
Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?
Нашр индекси: 406
Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80.

# ЖАРАЁН

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Кичик бизнесга катта сармоялар

**Иқтисодиётимизнинг таянч соҳасига айланган кичик бизнесни янада тараққий эттиришда банк-молия тизимининг ўрни беқиёс. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки ана шу юксак талабдан келиб чиқиб, хусусий сектор салмоғини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу мазкур молия муассасасининг тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадларига йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бораётганида яққол кўзга ташланиб турибди.**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»

Масалан, банкнинг Андижон вилоят бошқармаси Фарҳод филиали томонидан ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жами 24,2 млрд. сўм миқдорида кредит йўналтирилди. Бу маблағлар эндиликда вилоятда ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, ҳудуд иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилиши табиий. Бундан-да муҳими — ушбу сармоялар эвазига 650 га яқин янги иш ўрни яратилди. Жумладан, 29 нафар коллеж битирувчиси ўз соҳаси бўйича иш билан таъминланди.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида бошқа соҳалар қатори тадбиркорлик субъектлари ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатмоқда. Мазкур дастуриламал ҳужжат талаблари доирасида банк мижозлари йил давомида 1,1 млрд. сўмлик кредит маблағлари билан таъминланди. Давлатимиз раҳбарининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бўйича ажратилган кредитлар эса 7,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

— Корхонамиз бир неча йилдан буён ўсмирлар ва болалар кийимларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади, — дейди «Матонат» МХИЧК раҳбари Гулчеҳра Каримова. — Маҳсулотларимиз сони ва сифати ортиб бораётганида «Асака» банк Фарҳод филиали молиявий кўмаги жуда қўл келмоқда. Ажратилган кредитлар эвазига ўтган йили 10 та янги иш ўрни яратдик. 8 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисини ишга қабул қилдик.

«Сарварбек Файз Шифо» масъулияти чекланган жамиятининг банк билан ўзаро ҳамкорлиги ҳам эътиборга лойиқ. Ушбу муассаса аҳолига замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш хизматини замон талаблари даражасида ташкил этишда ҳам филиал томонидан ажратилган сармоянинг ўрни катта бўлди. Фаолиятини сезиларли даражада кенгайтирган хусусий клиникада 9 та иш ўрни яратилди. Бу эса, шубҳасиз, маҳаллий аҳоли саломатлигини тиклашга янада кўп ҳисса қўшиш имконини беради.

— Президентимиз ташаббуси билан юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, — дейди «Сарварбек Файз Шифо» МЧЖ раҳбари Сатбархон Собирова. — Тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришга қаратилган қонун, фармон ва қарорлар бунинг ёрқин ифодасидир. «Асака» банк Фарҳод филиали биз каби тадбиркорларга ўз фаолиятини янада ривожлантириши учун имтиёзли шартларда кредитлар ажратаётганидан мамнунман. Бундай кўмакдан кўплаб тадбиркор ва ишбилармонлар фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратмоқда.

Филиал хизматидан мамнун тадбиркорлар кўпчиликни ташкил этади. Улардан бири «Tillo Invest Tekstil» масъулияти чекланган жамияти директори Отабек Матисаевдир.

— Корхонамизнинг вилоятда ўз ўрни ва мавқеи бор, — дейди таниқли тадбиркор. — Бундай даражага эришишда ишончли ҳамкоримиз бўлган банк филиали жамоасининг роли ҳам катта. 2011 йилда ўз фаолиятини бошлаган жамиятимиз мазкур банкдан кредит олиб, ўз фаолиятини замон талаби асосида ташкил этди. Ўтган қисқа вақт мобайнида ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва 20 та янги иш ўрни яратишга эришдик. Харидоргир газламалар ишлаб чиқариб, истеъмолчилар ишончини қозондик. Айни кунларда янги лойиҳалар устида ишлаяпмиз.



Ўйлайманки, бундан кейинги фаолиятимизда ҳам банк кўмагидан самарали фойдаланиб, имкониятларимизни янада оширишга эришамиз.

Шуниси эътиборга сазоворки, Андижон вилоятида кичик бизнес субъектлари сони мунтазам равишда ортиб бораяпти. Янгидан ташкил топаётган ҳар қандай корхона эса биринчи навбатда молиявий кўмакка эҳтиёж сезади. Бундай паллада уларни изчил равишда қўллаб-қувватлаш, тасарруфидаги бошланғич капиталини кўпайтиришга фаол кўмаклашиш эса банкларга улкан масъулият юклайди.

— «Асака» банк Фарҳод филиали томонидан ажратилган кредит маблағи жамиятимизни кўп тармоқли хўжаликка айлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнади, — дейди «Нўмонжон» хусусий боғдорчилик корхонаси раҳбари Абдувоҳид Мўминов. — Олинган кредит эвазига 8 та иссиқхона қурдик. Айни пайтда аҳолини арзон нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшиб келаяпмиз. Банк билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани туфайли корхонамиз барқарор ривожланиш йўлидан дадил бораяпти.

Президентимизнинг тегишли қарорлари бу йўналишда ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб, ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга катта йўл очди. Чунончи, Андижон шаҳрининг Алишер Навоий шоҳ кўчаси ҳамда 3-кичик даҳа ҳудудида бунёдкорлик ишлари ва замонавий уй-жойлар қурилиши учун филиал томонидан 7,8 млрд. сўм миқдорида узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Бугун шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган замонавий биноларнинг қад ростлаши ҳам вужудга келтирилган қулай шарт-шароит маҳсулидир.

Жорий йилда филиал кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 30 млрд. сўм миқдорида кредит ажратишни режалаштирган. Бу маблағ асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат ишлаб чиқарувчи бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Йигирма битта келишув

**Фарғона шаҳрида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ва логистикасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди**

Хорижий давлатларда фаолият юритувчи йирик савдо мажмуалари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари, транспорт ва логистика компаниялари вакиллари иштирок этган мулоқотларда Ўзбекистонда етиштирилган ҳўл мева ва сабзавотларни чет элга жўнатиш жараёнини тезлаштириш имконини берувчи омиллар, хусусан, божхона, маҳсулот сифатига доир ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр алмашилди.



— Европа бозорида серқуёш Ўзбекистон заминида етиштирилган мева-сабзавотларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Ўз навбатида Рига шаҳрида очилган Ўзбекистон савдо уйи мамлакатингиз экспортчи фермерларига Болтиқбўйи ва Кўҳна қитъанинг бошқа давлатларига чиқиш учун кенг имкониятлар эшигини очиб бераётганини таъкидлаш жоиз, — дейди Латвиядаги Ўзбекистон савдо уйи бошқарув кенгаши аъзоси Андрей Колупаев. — Энг муҳими, иштирокчилар ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни «биринчи қўл»дан олдилар.

Мазкур тадбир ўзбекистонлик ва чет эллик ишбилармонларнинг ўзаро учрашувларини ташкил этиш майдони вазифасини ҳам ўтаб берди, дейиш мумкин. Зеро, анжуманнинг икки куни давомида юртимизда ишлаб чиқарилган ва етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижий компанияларга етказиб бериш бўйича умумий қиймати 120 млн. долларни ташкил этган 21 та келишув имзоланди.

— Туманимиз ҳудудида етиштирилган гилос, анор, беҳи каби мевалар хорижда ўз харидорини топаётгани қувонарли, албатта, — дейди Қува туманидаги «Qubbo meva-sabzavot» агрофирмаси раҳбари Элёр Жалолов. — Жорий йилда экспорт ҳажмини кенгайтиришни мақсад қилаётган эдик. Бугунги тадбир бу борада бизлар учун айни муддао бўлди.

**Ш.ХЎЖАЕВ тайёрлади.**

## Тадбиркорлар суянчи

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Натижада мазкур соҳа иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айланди. Бу жараёнда банк тизими фаол иштирок этмоқда**

**Мусурмон РЎЗИЕВ,**
«XXI asr»



Хусусан, молия бозорида катта эътибор қозонган «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фолиятида ҳам ана шу жиҳатлар устувор аҳамият касб этаётганини кўриш мумкин. Яъни, банк жамоаси тадбиркор ва фермерларнинг ишончли ҳамкори, бир сўз билан айтганда, бизнеснинг таянчи ва суянчига айланган.

Биргина ўтган йили банк томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан соҳага 296,8 млрд. сўм миқдорида микрокредит ва хизматлар кўрсатилган бўлса, жорий йилда бу миқдор 358,5 млрд. сўмга етказилиши кўзда тутилмоқда. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, прогнознинг 50 фоизи четдан жалб этилган ресурслар ҳисобидан қайта молиялаш ставкасида амалга оширилади.

Ҳар доимгидек, жорий йилда ҳам иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи банк мутасаддиларининг доимий эътиборида. Жумладан, 90,0 млрд. сўм миқдоридаги кредит маблағлари аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилиши заминида ҳам ана шу мақсад мужассам. Шунингдек, «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси доирасида меҳнат бозорига янги кириб келаётган ёшлар тадбиркорлигини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун 2015 йилда 45,2 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилиши назарда тутилган.

— Бундан тўрт йил аввал «ВЕК ТЕКS» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, унинг қошида тикувчилик корхонаси ишини йўлга қўйган эдик, — дейди корхона раҳбари Ғанишер Нормуҳаммедов. — Ўтган йиллар давомида «Микрокредитбанк»нинг имтиёзли кредитларидан мақсадли фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтириб келяпмиз. Хусусан, тикувчилик дастгоҳлари, матога гул босиш ускуналари сотиб олиш учун 60 ой муддатга Ислом корпорацияси линияси ҳисобидан 665,590 АҚШ доллари миқдорида банк кафолати берилди. Эътиборлиси, корхонамизда фаолият юритаётган 280 нафар ишчининг 125 таси коллеж битирувчисидир. Корхонамиз томонидан ўтган йил давомида 300 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ички бозорда сотилди.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини яхшилаш мақсадида 100,8 млрд., оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 60,1 млрд., озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 124,6 млрд. ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари тайёрловчи корхоналарга 99,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши белгиланган.

Мухтасар айтганда, «Микрокредитбанк» мамлакатимиз молия бозоридаги фаолияти давомида муайян ютуқларга эришиб, тадбиркор ва ишбилармонларнинг яқин ҳамкори сифатида фаолият кўрсатмоқда.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Банк мижозлар учун ишлайди

**Дунё тажрибасидан маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади**

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Самарқанд минтақавий филиали жамоаси ҳам ушбу масалага масъулият билан ёндашиб, тадбиркорлик субъектларини ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Асосий эътибор, энг аввало, бошловчи тадбиркорлар учун дастлабки сармояни шакллантиришга қаратилаяпти. Хусусан, жорий йилнинг биринчи январь ҳолатига банк минтақавий филиалининг депозит базаси 22 843,8 млн. сўмга етди. Бу маблағлар тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилаётир.

— Банк ёрдамида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди «Темир жиҳоз сервис» МЧЖ раҳбари Бахтиёр Одилов. — Чунончи, арматура ишлаб чиқариш мақсадида хорижий кредит линияси орқали 5 йил муддатга 550 минг доллар миқдорида маблағ ажратилгани айни муддао бўлди. Ҳозирда замонавий ускуналар ёрдамида йилига 2000 тонна арматура ишлаб чиқариш қувватига эгамиз. Янги дастгоҳларни 30 нафар маҳаллий ёш бошқармоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар иқтисодиётнинг барча соҳаларини бирдек ривожлантиришга хизмат қилаяпти, десак асло муболаға бўлмайди.

Йилдан-йилга молия бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаб келаётган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Самарқанд минтақавий филиали ажратилаётган сармоялар иқтисодиётнинг реал секторига, жумладан, 7 281,0 млн. сўм саноат, 7 165,1 млн. сўм қурилиш, 585,7 млн. сўм қишлоқ хўжалиги, 2 598,0 млн. сўм маиший хизмат кўрсатиш ва сервис, 5 835,5 млн. сўм савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига йўналтирилди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бу борадаги мурожаатлари алоҳида эътиборда. Тармоққа жами 41 млн. 267 минг сўм кредит берилди. Диққатга молик жиҳати, бундан унумли фойдаланган тадбиркорлик субъектларида мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, опа-сингилларимиз бошқараётган корхоналарга молиявий кўмаклашиш банк фаолиятининг муҳим масалалари қаторига киритилган. Агар 2013 йилда мазкур йуналишга 473,2 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилган бўлса, ўтган йили берилган сармоялар миқдори 1 млрд. 966,4 млн. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қуйиши учун қулай шароит яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни ёшларга берилаётган кредитлар миқдорининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин. 2013 йилда коллежлар битирувчиларига 273,3 млн. сўм миқдоридаги кредит ажратилган бўлса, ўтган йили 523 млн. сўмлик молиявий кўмак берилди.

Ёш оилаларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида 2014 йил давомида жами 2 604,6 млн. сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб, шундан ипотека кредити 1 388,6 млн. сўмни, истеъмол кредити 537 млн. сўмни ва микрокредитлар 679 млн. сўм ташкил этди.

Банк жамоаси мижозлар учун кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш мақсадида замонавий технологиялардан кенг фойдаланишга интилмоқда. Жумладан, «Интернет-банкинг», «Банк-мижоз», «Шахсий кабинет», «SMS-банкинг» ва «Call-markaz», «Инфокиос» каби замонавий хизматлар жорий этилган.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Самарқанд минтақавий филиали иқтисодий ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчиларидан бири сифатида хизмат кўламини ошириш, мижозлар билан манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга устувор аҳамият қаратаётир.

ЭЪЛОН

## ДИҚҚАТ, «ЁШ ОЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР-2015» ТАНЛОВИ!

**«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ва O`zLiDeP Дастурида назарда тутилган устувор вазифаларни ҳал этиш, ёш олимларни илмий-тадқиқот, ижодиёт ва бунёдкорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ёш мутахассисларнинг давлат ва жамият ривожининг турли тармоқларида иштирокини таъминлаш, уларнинг касбий, ижодий ва хизмат соҳаларида ўсиши учун имконият яратиш, юқори малакали, мустақил ижодий фикрлайдиган етук кадрлар сифатида шаклланишларига кўмак бериш мақсадида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Ёш олимлар ва мутахассислар танлови» ўтказишини маълум қилади.**

**Танловда 36 ёшгача бўлган магистрантлар, ёш олимлар ва мутахассислар иштирок этиши мумкин.**

**Танлов иштирокчилари қуйидаги долзарб йўналишлар бўйича ёзма илмий ишлар билан қатнашиши мумкин:**

I. Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида.

II Қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш соҳасида.

III. Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатдошлигини ошириш соҳасида.

Танлов 2015 йил ноябрь ойининг учинчи декадасида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ишланмаларни 2015 йил 25 сентябрдан кечикмасдан, танлов комиссияси кўриб чиқиши учун қуйидаги манзилга етказиш зарур: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уй, **e-mail:** yoshlar@uzlidep.uz **тел:** (371) 255 48 17, 255 46 36.

Танлов ғолибларига барча йўналишлар бўйича энг яхши ишлар учун қуйидаги мукофотлар ажратилган:

Биринчи ўрин учун – қимматбаҳо совға;

Иккинчи ўрин учун – қимматбаҳо совға;

Учинчи ўрин учун – қимматбаҳо совға.

Бундан ташқари бир қатор рағбатлантирувчи мукофотлар жорий этилган.

Танлов ҳақидаги тўлиқ маълумотни **www.uzlidep.uz** сайтидан олишингиз ва қўшимча ахборот учун **(8371) 255-48-17, 255-46-36** телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

## «Oʻqituvchi»нинг халқаро сифат сертификати

**Матбуот ва ахборот агентлигида «Oʻqituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйига Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг «Халқаро сифат менежменти — ISO 9001» сертификатини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан 2013-1014 йилларда «Alfakon Systems» компаниясининг консалтинг ёрдамида ISO 9001» халқаро стандарти талабларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимини яратиш ва татбиқ этиш борасида амалга оширилган кенг кўламли фаолиятига юқори баҳо берилди.**

**— Сифатни бошқариш тизимининг татбиқ этилиши корхона бўлинмалари ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва унумдорлигини ошириш, бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини мукаммал услублар асосида ташкил этиш, ҳар бир ходимнинг шахсий масъулиятини янада оширишга хизмат қилмоқда, — деди мазкур нашриёт-матбаа ижодий уйи директорининг ўринбосари Рустам Ибрагимов. — Бу эса, шубҳасиз, жамоамизнинг янада юқори натижаларга эришишини таъминлаш,ноширлик-матбаачилик бозоридаги ўрнимизни мустаҳкамлаш ва фаолиятимизни кенгайтириш учун янги имкониятларни юзага келтиради.**

Рисолат МАДИЕВА.

# Навқирон авлод қалбидаги акс-садо

**Истиқлолнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда маънан етук, жисмонан соғлом авлодни камол топтиришга устувор эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида инсон, унинг ҳаётий манфаатлари ётади**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Қуйидаги пурмаъно сўзлар ҳам фикримизни тўла исботлайди: «Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак».

Ўтган давр мобайнида ушбу масалага оид 30 дан ортиқ ҳужжат қабул қилинди. Жумладан, «Таълим тўғрисида», «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури фарзандларимизнинг куч ва иқтидорини рўёбга чиқариш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Йилларга ном беришда ҳам навқирон авлод вакилларининг қизиқишлари инобатга олинаётир. 2008 йил «Ёшлар йили», 2010 йил «Баркамол авлод йили», 2014 йил «Соғлом бола йили» деб номлангани ва ушбу мақсадларга қаратилган Давлат дастурлари қабул қилингани ҳам юксак ғамхўрликдан нишонадир. Шундай эътиборнинг мантиқий давоми сифатида 2014 йил 6 февралда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу тарихий ҳужжатлар амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати бағрикенглик, инсонпарварлик тамойилларига қурилган. Айни кунда юртимизда етти тилда таълим олиш учун барча имкониятлар яратилган. Кўплаб иқтидорли ёшлар бундан фойдаланиб, жаҳон ареналарига чиқишмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб хорижий тилларни 1-синфдан босқичма-босқич ўқитиш йўлга қўйилди.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар самараси академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тимсолида янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Бундай ўқув масканларини бугун республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида учратиш мумкин. Навқирон авлод вакиллари 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунар эгаллаб, мустақил ҳаётга йўлланма олмоқдалар.

Кейинги йилларда олий таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилган таълим муассасалари сони 2 баробар кўпайиб, жами 70 тага етди. Бу эса ёшларнинг касбий иқтидори ва илмий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Пойтахтимизда Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети каби етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари самарали фаолият юритаётганини таъкидлаш ўринлидир. Жорий йилда улар қаторига Жанубий Кореянинг Инха университети филиали ҳам қўшилди.

Бундан ташқари, ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини такомиллаштириш, уларнинг бизнес-режаларини рўёбга чиқариш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳалар бекаму кўст молиялаштирилаётганлиги диққатга молик. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун бултур 2013 йилга нисбатан 1,4 баравар кўп, яъни 200,9 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Натижада 250 минг йигит-қиз иш билан таъминланди.



Банклар томонидан ажратилган 234,8 млрд. сўм миқдоридаги ипотека, 74,4 млрд. сўм ҳажмидаги истеъмол кредитлари ҳисобига минглаб ёшлар ўзларининг уй-жой ва оилавий шароитларини яхшилашга эришдилар. Фақат шугина эмас. Уларни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан йўналтирилган 90 млрд. сўмдан зиёд маблағ ҳисобига жойларда кўп қаватли «Камолот» уйлари қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Ушбу уйлар бошланғич бадалсиз 20 йилга, жумладан, 5 йиллик имтиёзли муддат билан ипотека кредити асосида берилади.

Кези келганда, Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Зеро, унда ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий дунёқарашини юксалтириш, миллий ва жаҳон мусиқа санъатини кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ масалаларга кенг ўрин ажратилган. Мусиқа ва санъат таълимига қаратилаётган юксак эътибор туфайли ўқувчи-ёшларнинг маҳорати ошиб, уларнинг халқаро танлов ҳамда фестивallардаги иштироки кенгайиб бормоқда. Мисол учун, 2014 йилнинг ўзида навқирон авлод вакиллари Германия, Австрия, Италия, Россия, Франция, Хитой, АҚШ, Болгария, Литва, Латвия, Люксембург, Испания ва Бразилия давлатларида бўлиб ўтган турли танловларда ўз йўналишлари бўйича фахрли ўринларни эгалладилар.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» мусобақалари янги истеъдодларни кашф этишда ўзига хос «трамплин» вазифасини ўтаяпти. Ўтган давр мобайнида ушбу спорт беллашувларида ўз маҳоратини намойиш этган кўплаб ёшларимиз Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муваффақиятли иштирок этишди.

Гап ёшлар камолоти ҳақида борар экан, ушбу масала нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутишини қайд этиш жоиз. Жумладан, O`zLiDeP-нинг «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...» каби лойиҳалари ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилаётир. Шу тариқа кичик бизнес вакилларининг янги авлоди майдонга чиқмоқда. 2009-2013 йиллар мобайнида «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари битирувчиларидан 11 минг нафарига тадбиркорликка оид билим ва тушунчалар берилди. Биргина 2014 йилнинг ўзида лойиҳага 965 тага тижорат банкларидан 6 миллиард 259 миллион сўмлик кредит ажратилди. Натижада жойларда битирувчилар томонидан 1300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг илм-фан, техника ва ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги ташаббуслари изчил қўллаб-қувватланяпти. Президентимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик эса навқирон авлод вакиллари қалбида акс-садо бериб, уларни янгидан-янги марралар сари ундамоқда.

# «Отадан фарзандга қолувчи ҳақиқий мерос унинг хулқидир»

**Орзу-ҳавасли халқмиз. Баркамол ўғил-қизлар вояга етказиш, элга тўй бериб, фарзандлари билан фахрланиш отамерос қадриятларимиздир. Бироқ мард ва жасур, илм-маърифатли ўғлонларни тарбиялаш осон иш эмас. Айниқса, турли ахборот хуружлари орқали ёшлар маънавиятига таъсир ўтказиш имкониятлари кенгайган глобаллашув замонидан бир неча баробар кўп масъулият талаб этилади**

**Дилноза НОМОЗОВА,**
«XXI asr»

Хўш, ана шундай бир даврда юрт ҳимоясига бел боғлаб, кўксини қалқон қилишга тайёр йигитларни вояга етказишда ота-оналар ўз зиммасидаги вазифаларни нечоғли адо этаяпти?

Оила — энг муҳим тарбия ўчоғи. Ўғил бола тарбиясида эса отанинг ўрни ўта масъулиятлидир. Муборак ҳадисларда бежиз «Отадан фарзандга қолгувчи ҳақиқий мерос унинг хулқидир» дейилмаган.

Аммо, афсуски, боласи чўнтагини пулга тўлдириб, сўнгги русумдаги қўл телефони олиб бергани билан мағрурланиб юрган оталар ҳам йўқ эмас. Яқинда худди шундай воқеанинг гувоҳи бўлдик.



...Ўрта ёшлардаги бир киши тенгқури ва 5-6 ёшлардаги ўғли билан автобусга чиқди. Кийим-кечагидан унинг топармон-тутармонлиги кўриниб турарди. Боласини гоҳ эркалаб, гоҳ керагидан ортиқ мақташи, очиғи, атрофдагиларнинг энсасини қотирарди. Айниқса, «Ўғлим, амакингни битта сўкиб бер, ўғил боласан-ку», дея хиринглаши ва «амаки»нинг ширин боланинг сўкишларини «ҳазм» қилиши кўпчиликнинг ғашига теккани, нафратига сабаб бўлгани бор гап. Ўғилдан сўралган биргина «талаб» отанинг маънавий қиёфасини яққол намоён қилди-қўйди...

Ҳа, бундай тоифадаги кишилар боласига аввал сўкиш, кейинроқ «ҳақингни бировга бериб қўйма» деган баҳона билан уришни ўргатиши тайин. Ғишт қолипдан кўчганда эса пушаймондан фойда бўлмайди. Ёши бир жойга боргач, тарбиясиз ўғилдан оқибат ўрнига хўрлигу таҳқир кўрганида: «Болам яхши эди, унинг тарбиясини муҳит бузди, замон бузди», дея нолийдиган кимсалар орамизда йўқ дейсизми? Ҳолбуки, айрим болаларда қусур ва иллатларнинг илдиз отишига ана шундай ўзи тарбияга муҳтож оталарнинг «шахсий ўрнаги» омил бўлмайдими?

Фарзанднинг яхши ёки ёмон хулқ эгаси бўлиб улғайиши, меҳнатсевар ёки дангасалиги кўп жиҳатдан оилавий муҳитга боғлиқ. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, болага ота ибрат вазифасини ўтайди. Йиллар давомида шаклланган характерни эса кейинчалик деярли ўзгартириб бўлмайди. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Гоҳида ҳуқуқбузарликлар содир этган ёшларнинг оиласи ҳақида суриштирсангиз, обрў-эътиборли, ўзига тўқ хонадоннинг боласи бўлиб чиқади. Фарзанднинг ноқобиллигига сабаблар эса бисёр. Бу айни вазиятда эса тўқликка шўхликдир. Аммо боланинг эгри йўлдан кетишига ҳаёт мазмунини фақат ўйин-кулгудан иборат деб биладиган кўча хандон оталарнинг бефарқлиги сабаб эмасмикан? Одатда бундай оталар ўғлининг хатти-ҳаракати ўзгариб, табиатида қўполлик кузатилса, «тўғри тарбия бера олмаяпсан» дея рафиқасига маломат қилишади. Аммо бундай танбеҳ ва дашном нечоғли ўринли?

— Ўғил бола учун ота идеал инсон ҳисобланади, — дейди Камолиддин Беҳзод номли миллий рассомчилик ва дизайн институти психологи Одина Отажонова. — Бола психологиясининг тўғри шаклланишида эркакнинг оилада ўз ўрнига эга бўлиши муҳим. Ҳар бир муаммони ҳал қилаётганда отанинг қатъий қарори ўсмирнинг қалбида ғурур туйғусини уйғотади. Келажакда ўзи ҳам шундай инсон бўлишни орзу қилади. Аммо баъзи эркаклар ўзининг етакчи, моддий таъминловчи сифатларини йўқотиб қўяётир. Шуни унутмаслик керакки, аксарият ўғил болалар ўз отаси билан ўртоқларининг отасини солиштириб кўришади. Отасининг обрўли бўлишини хоҳлайди. Агар ундан бу фазилатларни тополмаса, унда ички норозилик уйғонади. Натижада бола оиладан узоқлашади ва кўчага чиқади. Фарзанд ва ота-она ўртасидаги зиддиятларнинг мавжудлиги ҳам боланинг ёмон гуруҳларга кириб кетишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам юртимизда ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш устувор вазифалардан бирига айланган. Маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшлар онгида ватанпарварлик, меҳр-оқибат каби фазилатларни камол топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида маҳаллалар, мактаблар, оилалар ҳамкорлигида турли йўналишдаги тадбир ва учрашувлар уюштирилмоқда.

— Соғлом бола йилида туманимиз миқёсида 400 дан зиёд ана шундай тадбир уюштирилди, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туман Ички ишлар бошқармаси Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, майор Тоҳир Ўтанов. — Тадбирларда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик сингари инсонни ҳам руҳан, ҳам жисмонан маҳв этувчи иллатлар, турли диний оқимларнинг салбий таъсирлари ҳақида ёшларга тушунчалар берилиб, мавзуга дахлдор видеороликлар намойиш этилди. Бунинг натижасида ўтган йили вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик содир этиш 40 фоизга камайди.

Дарҳақиқат, инсон асосий тарбияни оиладан, кейин ўртоқларидан, атроф-муҳитдан олади, ўзлаштиради. Болани меҳнат тарбиялайди. Шу боис уларга уйга келтирилаётган неъматлар меҳнат туфайли қўлга киритилаётганини тушунтириш лозим. Боланинг бўш вақти тўғри тақсимланса, у ўзи қизиққан машғулот билан шуғулланса, ҳар қандай нохуш ҳолатнинг олди олинади.

Ёш йигитчаларнинг кўчада сандрақлаб юриши, компьютерхоналарни макон тутиши оиладаги қаровсизлик оқибатидир. Шу боис ота-оналар фарзандининг ҳар бир хатти-ҳаракати, бораётган жойи, ўртоқларига бефарқ бўлмаслиги, уларнинг қизиқишлари, орзу-ҳавасларини ҳурмат қилиши, ўқиб-изланишлари учун тегишли шарт-шароит яратиб беришлари лозим.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида халқимизни огоҳликка чақириб, дунёда содир бўлаётган воқеалардан хулоса чиқариб яшашга, радикализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймаслигини, юртимизда бугун ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш мақсадида ўзимизнинг қатъий позициямиз ва сиёсатимизни аниқ белгилаб олганлигимизни таъкидлагани ҳам бежиз эмас. Зеро, юртимиз тараққиёти улғайиб келаётган ёш авлоднинг юксак интеллектуал салоҳияти ва маънавий дунёсига боғлиқ. Мард, жасур, эл-юрт учун жонини фидо этишга қодир алп ўғлонларни вояга етказишга муносиб ҳисса қўшиш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

## Долзарб мавзуда давра суҳбати

**O`zLiDeP Тахтакўпир туман кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбатида ёшларимизнинг кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнидаги фаоллигини ошириш, 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида уларнинг иштирокини таъминлаш каби мавзулар атрофлича муҳокама қилинди.**

**Тадбир давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими бошлиғи К.Елмуратов давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мустақиллик йилларида олиб борилган босқичма-босқич, тадрижий ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб бергани хусусида йиғилганларга атрофлича маълумот берди .**

**— Ушбу тадбирдан кўзда тутилган мақсад ёшларимиз онгида юртга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришдан иборатдир. Бу борада партиямиз ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш, уларни ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли инсонлар қилиб тарбиялашга оид тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор бериб келмоқда, — дейди O`zLiDeP Тахтакўпир туман кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлим мудири Б.Қосекеев.**

O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати.

# СЎНГГИ САҲИФА

## ЮРАКЛАРГА ЯҚИН ШЕЪРИЯТ

**Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шоира юбилейига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда**

Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам ана шу санага бағишланган «Адабиёт кунлари» ўтказилди. Хусусан, Урганч туманидаги 47-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатида «Ўзбек шеъриятининг маликаси» мавзусидаги адабий кеча, Урганч давлат университетида «Зулфия ижодининг ўзбек адабиётида тутган ўрни» мавзусидаги илмий-маърифий анжуман, «Урганч экскаватор» акциядорлик жамиятида ижодий учрашув, Урганч шаҳридаги 1-сонли Мусиқа ва санъат мактабида «Зулфияхоним ўзбек аёлининг тимсоли» мавзусидаги адабий-мусиқий анжуман, Хива педагогика коллежида «Зулфия жаҳонгашта шоира» мавзусидаги адабий кеча, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-сон академик лицейида «Вафо ва садоқат куйчиси» мавзусидаги адабий-ижодий учрашувлар ташкил этилди.

Ана шу тадбирларда иштирок этган шоир ва адиблар, адабиётшунос олимлар, ёш қаламкашлар, умуман, кенг жамоатчилик вакиллари Зулфиянинг ижодий мероси, ёш авлод, айниқса, қизларимиз қалбида миллий ғурур ва ифтихор, ибо, ҳаё сингари эзгу фазилатларни камол топтиришда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритдилар.

Огаҳий номидаги вилоят театрида ўтказилган «Бахтим шул, ўзбекнинг Зулфиясиман» номли тадбирда эса йиғилганлар эътиборига шоира ҳаёти ва ижодига бағишлаб суратга олинган «Умр дафтари» номли ҳужжатли фильм ҳамда воҳа санъат усталари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Мухтасар айтганда, «Адабиёт кунлари» доирасида ташкил этилган мазкур мулоқотлар, адабий-ижодий учрашувлар фарзандлик бурчини адо этишда ёшларимиз учун улкан сабоқ, ҳаёт дорилфунуни вазифасини ўтади.

Ишончимиз комилки, юртимиз бўйлаб давом этаётган бундай тадбирлар Зулфияхоним ҳаётлигида бугунги дориломон кунларни гўё башорат қилиб ёзган «Биламан, менинг боғим қолмас ҳувиллаб....» каби умидбахш мисраларнинг бизнинг кунларимиздаги ижобати бўлиб, кўнгилларга сурур ва ғурур бахш этаверади.

***

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишлаб яратилган янги — «zulfiyaxonim.uz» веб-сайтининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Шоиранинг ҳаёти, ижоди, фаолияти ҳақида ҳикоя қиладиган бу сайт унга ташриф буюрадиганларга ижодкорнинг шеърлари, достон ва баллададаларини ўқиш, ўрганиш имконини беради. Таъкидлаш жоиз: ўзбек, рус ва инглиз тилларида фаолият кўрсата бошлаган мазкур сайтнинг яратилишида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг салоҳиятидан унумли фойдаланилган.




Маълум бўлишича, сайтга мингга яқин маълумот, жумладан, шоира шеърларининг матнлари, аудио ва видео материаллар, шунингдек, 100 дан ортиқ фотосурат жойлаштирилган бўлиб, Зулфияхонимнинг замондошлари томонидан шоира ҳақида билдирилган мулоҳазалар, шогирдларнинг ёрқин хотираларига ҳам кенг ўрин берилган.

***

Куни кеча эса «XXI asr» газетаси мухбири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Янгибой Қўчқоровнинг мазкур юбилейга бағишлаб ёзилган «Ой теграсида юлдузлар» номли китоби чоп этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган мазкур рисоладан Зулфияхонимнинг ҳаёти ва ижодига доир адабий очерк, унинг «Мушоира» достони, шунингдек, шоирага замондош бўлган таниқли ижодкорлар — Қорақалпоғистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Доғистон халқ ёзувчилари ҳақида қисқача маълумотлар ҳамда мазкур муаллифларнинг асарларидан намуналар ўрин олган.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тайёрланди**

### МИЛЛИЙ ТУРИЗМ

## Қизилқум чўлларидаги ўтов-меҳмонхона

**Сайёҳлик тизимини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу мақсадда мамлакатимизда мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, хизмат сифати ва маданияти оширилмоқда. Айни кунда Ўзбекистонда туристик фаолият билан шуғулланадиган 900 дан ортиқ ташкилот мавжуд. Улардан 500 дан ошиғи туроператорлик ва агентлик мақомига эга. Турли мулкчилик шаклидаги 500 дан зиёдроқ меҳмонхона ва турдош субъектларнинг қамрови 50 минг ўриндан ошади**

**Рисолат МАДИЕВА,**
«XXI asr»

— WTTC (Жаҳон сайёҳлик кенгаши) хулосасига кўра, Ўзбекистон туризм соҳаси жадал ривожланаётган бешта давлатдан биридир, — дейди пойтахтимиздаги «Vindam Tashkent» меҳмонхонаси менежери Алиса Қамчиева. — Меҳмонхонамизда 5 та конференция зали, 2 та ресторан, соғломлаштириш маркази ва совғалар дўкони бор. Ҳар йили 30 мингдан ортиқ меҳмонни қабул қиламиз. Уларнинг барчаси юртимизнинг бетакрор табиати, тарихий ёдгорликлари билан танишиб, халқимизнинг бағрикенглигидан беҳад мамнун бўлиб қайтишаяпти.

2013 йилдан бошлаб «Ўзбектуризм» миллий компаниясида Welcome Uzbekistan веб-порталининг ишга туширилиши саёҳатчиларга исталган вақтда тарихий обидалар, кўнгилочар масканлар, туристик йўналишлар, гидлар, таржимонлар, соҳага оид қонунчилик, тарих, география, иқлим, халқ ҳунармандчилиги, маданият, урф-одатлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, музейлар, ресторан ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятини яратди.

— Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимизда сайёҳлик ярмаркалари, конференция ва семинарлар ўтказилиб келинмоқда, — дейди «Ўзбектуризм» миллий компанияси маркетинг хизмати бош мутахассиси Суҳроб Файз. — «Ипак йўли туризми» Тошкент халқаро ярмаркаси ана шулардан биридир. Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги салоҳияти билан жаҳон жамоатчилигини яқиндан таништириш, чет эл компаниялари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ички туризм имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишдан иборат.

Миллий анъаналарни кенг тарғиб этишга қаратилган «Дам олиш дунёси» халқаро туристик кўргазмаси, машҳур пазандалар иштирокидаги «Ош фестивали» хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдириб, уларнинг юртимизга бўлган қизиқиши ва ҳавасини янада оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туристик фирмалар Мадрид, Берлин, Москва, Париж, Рим, Токио ва Лондонда бўлиб ўтган нуфузли кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этаётирлар.

Юртимизда ички туризмни ривожлантириш ҳам муҳим масалалардан бири саналади. Фуқароларни туристик хизматлар билан қамраб олиш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда. «Ўзбектуризм» миллий компанияси маълумотларига қараганда, 2014 йилда Ўзбекистонга 2 млн. 29 мингга яқин хорижлик ташриф буюрган.

Замонавий транспорт хизматлари, янги ҳаво йўлларининг очилиши, меҳмонхона тизимидаги қулайликлар, энг муҳими, Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик, халқимизга хос бағрикенглик туфайли сайёҳлар оқими йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу эса соҳада чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар самарасидан далолат беради.

Кези келганда, муҳим йўналиш — экотуризмга ҳам катта эътибор қаратилаётганини қайд этиш керак. Бу борада Угам-Чотқол давлат миллий табиат боғи, Қизилқум чўллари, Нурота тоғлари, Айдаркўл соҳиллари, хуллас, ҳар бир ҳудуд ўзининг бой табиий манзараси билан ажралиб туриши қулай имконият яратади. Мисол учун, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида бир вақтнинг ўзида йилнинг тўртта фаслига хос ҳолатни кузатиш мумкинлиги сайёҳларни ҳайратга солади.

Қизилқум чўлларида ўтов тиклаб, фаолият олиб бораётган тўртта туристик марказининг миллий урф-одат, анъаналарни тарғиб қилиш борасидаги хайрли ишларини ҳам алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Шунингдек, Нурота туманининг географик жойлашуви, маҳаллий аҳолига хос бўлган кўп асрлик анъаналар, миллий гиламдўзлик, каштачилик сиру синоатлари ҳам хорижий меҳмонларни бефарқ қолдираётгани йўқ.

Мустақиллик йилларида туризм соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш мақсадида бир қанча ўқув юртлари ташкил этилди. Жумладан, айни пайтда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қарши, Урганч ва Хивада ана шундай масканлар фаолияти йўлга қўйилган. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Бухоро ва Урганч Давлат университетлари, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида соҳа учун малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Шунингдек, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг илмий-ўқув консалтинг марказида илғор хорижий тажрибалар ўрганилиб, республика миқёсида кенг оммалаштирилаётир.

Туризм эл ободлиги, юрт тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис соҳанинг имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Зеро, сайёҳлик хизмати Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини оширишга хизмат қиладиган муҳим омиллардан биридир.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек Элчиевич Абдусаломовга волидаи муҳтарамаси **ЗЕБИ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Кутилган ва кутилмаган меҳмонлар

**Сирдарё вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Кутилмаган меҳмон» лойиҳаси иштирокчилари Гулистон шаҳрида яшайдиган нуронийларнинг ҳузурига совға-саломлар билан кириб бордилар.**

**«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ўзига хос тадбирда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси бўлимлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари шаҳардаги 26 та уйга ташриф буюриб, ёши улуғ хонадон эгаларининг холидан хабар олдилар. Хусусан, қарияларга кундалик эҳтиёж моллари тарқатилиб, уларнинг ҳовлилари тартибга келтирилди, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига яқиндан кўмаклашилди.**

**— «Кутилмаган меҳмон»ларнинг ташрифидан қалбим қувончга тўлди, — дейди Қумри ая Қурбонбоева. — Кексаларнинг эъзозланиши миллий қадриятларимиз бардавомлигидан далолат беради.**

**«Кутилмаган меҳмон» лойиҳаси вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилмоқда.**

## Коллеж битирувчисининг мактаби

**Ўтган йили касб-ҳунар коллежини тамомлаган гулистонлик Мафтуна Эргашева айни пайтда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази бизнес-тренери сифатида фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, яқинда у Гулистон шаҳридаги 9-умумтаълим муассасасида ўзининг ҳунармандчилик мактабини очди. Маъмурият тадбиркор қизга барча шароитларни яратиб берди. Мактабнинг ўқувчи қизлари Мафтунадан мунчоқлар ёрдамида турли ўсимлик ва дарахтлар тасвирларини акс эттириш сирларини ўрганиш билан бирга қизлар сумкалари, шарфлар ва турли либослар тўқишни ўзлаштирмоқдалар.**

**— Ҳунармандчилик мактабида сабоқ олиш истагини билдираётган қизлар сони тобора ортиб бормоқда. Шаҳардаги бошқа мактаблардан ҳам мурожаатлар келиб тушаяпти, — дейди ёш тадбиркор. — Шу боис келажакда шогирдларимнинг ёрдамидан фойдаланишни мақсад қилиб турибман.**

Дилора ЭСОНОВА.



Солиҳ ЗОИР олган сурат

## ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

**Пойтахтимизнинг Учтепа туманида истиқомат қилувчи 82 ёшли Марҳамат ая Миянова нафақат катта оиланинг пиру бадавлат бекаси, балки ана шу оила яшайдиган «Пахтакор» маҳалласи файзу кўрки сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Зеро, салкам қирқ йиллик меҳнат фаолияти давомида ошпазлик қилиб, аҳолига хизмат кўрсатган онахон ўнлаб шогирдлар етиштирди. Ширинсўзлиги, касбига бўлган садоқати, ҳалол меҳнати билан жамоадошлари меҳрини қозонди.**

**Ҳалигача маҳаллада ташкил этиладиган тўй-ҳашамларга бош-қош бўлаётган Марҳамат ая раҳматли турмуш ўртоғи Низом ака билан биргаликда икки ўғил ва икки қизни эл корига ярайдиган етук инсон қилиб тарбиялади. Айни кунда олти нафар невара ва шунча эвара онахонга парвона.**

### БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

## Ёдда тутинг ва амал қилинг

**Бугунги ҳаётимизни турли-туман ёритувчи чироқлар, телевизор, дазмол, иситиш мосламалари, телефон, компьютер, микротўлқинли печь ва ҳоказо замонавий жиҳозларсиз тасаввур эта олмаймиз.**

**Буларнинг бари, шубҳасиз, сизу биз учун яратилган қулайликлардир. Аммо уларнинг ҳар бири ўз атрофида электромагнит майдони ҳосил қилиши, бу эса саломатлик учун зарар эканини ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Кўзга кўринмас нурлар нафақат инсон организми, ҳатто темир-бетон тўсиқларни тешиб ўта олишини билмаймиз.**

**Олий тоифали шифокор Қўчқор Деҳқоновнинг фикрича, бундай нурлар инсон организмига салбий таъсир қилиб, марказий асаб тизими орқали руҳиятни зўриқтириши натижасида эндокрин, иммун, жинсий тизимлар фаолиятининг бузилишига олиб келиши мумкин. Ана шу ҳолат юрак-қон томир тизимига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.**

**— Агар уйингизда кун бўйи электр жиҳозлар ишлаб турса ёки кўп вақт компьютерда ишлашга мажбур бўлсангиз, кечга бориб кайфият тушиши, асабийлашишингиз аниқ, — дейди шифокор. — Шунинг учун ҳам кўпчилик, айниқса, ёшлар орасида невроз, жиззакилик, тез толиқиш, бош оғриғи, кўриш қобилиятининг пасайиши, қон босимининг кўтарилиши каби ҳолатлар ортиб бораяпти. Бундай ҳолат, айниқса, камқонлик, кардионевроз, иммунитетнинг пасайиши, аллергик касалликларни юзага келтиради, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, кичик ёшдаги болалар ҳамда кексаларга кучли таъсир кўрсатади.**

**Қишда деразаларни целлофан билан тўсишнинг ҳам фойдасидан зарари кўп. Бир неча ой мобайнида зич ёпилган хонада электромагнит нурланиш, ҳаводаги кўз илғамас чанг заррачалари юз, қўл терисига тушиб, организми ҳали мўрт бўлган ёш болаларда аллергик касалликлар (эшакем, диатез, экзема), терининг дағал тортишига сабабчи бўлиши мумкин.**

**Юқорида таъкидланганидек, мавжуд электр анжомлардан бутунлай воз кечишнинг иложи йўқ. Лекин шифокор мулоҳазаларини ёдда тутиб, нур чиқарувчи жиҳозлардан имкон борича кам фойдаланишга одатлансак, умримизга умр қўшилиши шубҳасиз.**

Севара АЗИМОВА.

## Ўктам ўғлонлар

**Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни қуролли кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ юртимизнинг барча жойларида йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.**

**Сирдарё вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув пунктида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, шунингдек, чақирилувчиларнинг ота-оналари жам бўлдилар.**

**Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Тўхтаев Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчини ўташга шай турган соғлом ва ўктам йигитларни ана шундай шарафга мушарраф бўлгани билан қутлаб, миллий армиямизни ислоҳ этиш, унинг салоҳиятини ошириш, мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва тинч-осуда ҳаётимизни асраб-авайлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.**

**— Ҳарбий либос кийиш ҳар бир йигитнинг орзуси. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга кетаётганлигимдан хурсандман, — деди чақирилувчилар номидан сўз олган Муҳаммадали Раҳмонқулов. — Йигитлик бурчимизни намунали ўтаб, маънан ва жисмонан етук инсонлар бўлиб қайтишга сўз берамиз.**


РЕКЛАМА




Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)
ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.



XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 2247 Тираж: 17131
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X
9 772181 497009

Навбатчилар:
Т.АБДУРАҲМОНОВ, Ф.НУРАЛИЕВ.